БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1938 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 207 (18.385) • Жума 1982 йил 10 сентябрь • Баҳоси 3 тийин.

ПАХТА—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 9 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун—мавсум бошидан буён.

Бухоро	2,00	14,15	—	—
Хоразм	1,95	9,08	0,10	0,19
Навоий	1,33	8,38	—	—
Сурхондарё	1,17	7,48	0,47	1,76
ҚҚАССР	1,06	6,16	—	—
Қашқадарё	0,95	5,36	0,05	0,12
Андижон	1,12	4,64	—	—
Наманган	1,08	4,62	—	—
Самарқанд	0,98	4,47	—	0,01
Фарғона	1,01	4,02	—	—
Жиззах	0,16	0,77	—	—
Сирдарё	0,13	0,77	—	—
Тошкент	0,11	0,41	—	—
Республика бўйича:	1,01	5,36	—	—
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	1,07	5,78	0,03	0,03
Бухоро	0,45	2,87	—	—
Қашқадарё	0,59	2,47	—	—
Навоий	0,14	0,48	—	—
Наманган	—	—	—	—
Республика бўйича:	0,84	4,34	0,02	0,02

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, БОЛГАР ҚАРДОШЛАР!

Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси халқлари мустаҳкам дўстлик ришталари билан боғланган дирлар. Болгар халқининг миллий байрами — социалистик Революциянинг 38 йиллиги — Озодлик кунини Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам кенг нишонладилар. Тошкент ва республика пойтахт области жамоатчилиги вакилларининг 9 сентябрь куни бўлиб ўтган тантанали йиғилиши шонли санага бағишланди. Совет — Болгария дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлими правлениесининг раиси А. М. Хўжаев доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда бир сафда бораётган СССР билан БХР ўртасидаги ҳамкорлик кун сайин мустаҳкамланиб бораётганлиги тўғрисида мамнуният билан гапирдилар. Тошкент ва Андижон областлари меҳнаткашларининг Болгариядаги Хасково ва Ямбол округлари меҳнатчилари билан самарали алоқалари алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Болгар халқининг байрамига бағишланган тантанали йиғилишлар, дўстлик кечаларн, виставкалар республиканинг кўпгина корхоналари ва қурилишларида, колхозлари ва совхозларида, ўқув юртларида ҳам бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхози деҳқонлари 1000 гектардан зиёд майдонга пахта экдилар. Улар бу йил ҳар гектар майдондан 60 центнердан хом ашё олиб, ялпи ҳосилни 8 минг тоннага етказишга ваъда қилишган. Бу пландагидан 2,5 минг тонна ортиқдир. Бу мавсумда колхозда 32 пахта териш машинаси далага чиқарилди. 14 кўрак йиғиб олувчи комбайн, 64 тележка ишлатилади. Ҳосилнинг 90 процента «зангори кема»лар билан териб олинади.

Ҳўжаликнинг пешқадам механизатори Жаҳон Раҳмонов барча механизаторларга ибрат кўрсатишга ваъда қилди. У бу йилги мавсумда ўз «зангори кема»си бункеридан 350 тонна «оқ олтин»ни тўкишга бел боғлади. Бу унинг шонли юбилейга муносиб совғаси бўлади.

Суратда: пешқадам механизатор Жаҳон РАҲМОНОВ.

А. Мирзажонов фотоси. (ЎзТАГ).

КОЛЛЕКТИВДА МАЪНАВИЙ МУҲИТ

Ишчи сменадан қайтяпти. Унинг вужудида хорғинлик бўлса ҳам ўзида нохушлик сезмайди. Аксинча, мазмунли ўтган иш кунидан, ўзи ва ўртоқларининг шу кунги меҳнати натижасидан зўр қониқиш ҳосил қилиб келяпти. «Эрим Туямўйин сув омбори қурилишида ишлайди, — деб ёзади редакцияга юборган хатида ҳазорасплик Ҳалима Қиличева. — Унинг исми Султон, фамилияси Маткаримов, касби эса — экскаваторчилик. Ҳар куни уни ишдан қувонч билан кутиб олиш оиламизда одат бўлиб қолган. Юмуши оғир, чўлда кун бўйи ишлаб, чарчаганига қарамай, уйга доим хушнуд бўлиб келади. У ўзи билан бирга ишлайдиган ҳамкасб ўртоқлари ҳақида шундай фахрланиб гапирадики... Чиндан ҳам Султоннинг бригадаси аъзолари бир-бири билан жуда иноқ, аҳил, бир-биридан зарур ёрдамини сира аямайдиган, гоят меҳнатсевар кишилар. Қисқа қилиб айтадиган бўлсам, бригадада ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун деган шиор ҳаёт қонуни бўлиб қолган...»

Ушбу хатда жуда ҳам муҳим мавзу тилга олинган. Дарҳақиқат, меҳнат коллективидаги соғлом ва ишчанлик муҳити саноат корхоналари, қурилиш, колхоз ва совхозлар иқтисодий фаолиятида ўз аксини топибгина қолмай, шу билан бирга кишиларнинг кайфиятига, улар ва оила аъзоларининг моддий ва маънавий турмушига, ҳаловати ҳамда бир-бирига нисбатан муомала ва муносабатига ҳам чуқур таъсир кўрсатади.

Жамиятимизда ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, меҳнат ва турмушда инсонга ғурмат ва меҳрибонлик билан муносабатда бўлишни, ҳалолликни, ишонч, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанликни, чинакам ўртоқлик руҳини қарор топтиришда ёрдам берадиган маънавий муҳитни вужудга келтириш энг муҳим вазифалардан бири қилиб қўйилгани бежиз эмас.

КПСС XXVI съездида социалистик турмуш тарзимизнинг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, янги инсонни камол топтириш масалалари ўртага қўйилган, коллективда яратиладиган маънавий муҳит киши меҳнатини янада унумли қилибгина қолмай, шу билан бирга мазмунли, мароқли, ижодий бўлишида нақадар катта роль ўйнаётгани алоҳида таъкидланди. «Шу нарса равшанки, одамлар ўзларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатилаётган жойда яхшироқ, астойдил меҳнат қилдилар, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съездга Ҳисобот докладида. — Завод, ферма — бу ҳам бир уй бўлиб, одам умрининг камида учдан бир қисмини шу ерда ўтказади. Бинобарин, бу ерда ҳамма нарса — иш жойидан тортиб, маиший хизмат корхоналарию, ошхоналаргача қулай, замонавий бўлиши керак».

Меҳнат коллективларида соғлом маънавий муҳит ишни пухта ўйлаб, аниқ ва тўғри ташкил этишдан бошланади. Ҳўжалик механизмининг бир маромдаги узлуксиз ҳаракати коллективда ишчанлик вазиятини вужудга келтириб, оммаонг ғайрат-шижоатини, меҳнатдаги жонкуярлиги ва ташаббускорлигини оширишга ёрдам беради, унинг активлигини кучайтиради. Ўзи ва атрофидаги кишиларнинг ишидан қониқиш ҳосил қилишига сабаб бўлади. «Главташкентстрой»га қарашли 1-уйсозлик комбинати, «Андижанводстрой» трести, «Қарақалпақирсовхозстрой»нинг Нукусдаги қурилиш бошқармаси ва бошқа кўпгина коллективларда ишлаб чиқариш топшириқларининг мунтазам ошириб бажарилаётганлиги ана шу меҳнат кўтаринкилиги ва ташаббускорлиги натижаси бўлмоқда. Бу корхона ва ташкилотларда ҳар бир ходим ўз меҳнатининг бошқалар учун нечоғли фойдали эканлигини, энг аввало умум манфаатини кўзлаб ишлаётганлигини қалбдан тушуниб меҳнат қиляпти. «Совет турмуш тарзининг ёрқин ифодаси бўлмиш ўзаро ақиллик ва жипслик, ўртоқларча ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик руҳи, ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун деган принцип корхонамиз ходимлари онгига чуқур сингиб кетган, — дейди Чирчиқдаги 93-нхтисослашган трестга қарашли «Промтехмонтаж» бошқармаси слесарь-монтажчилари бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мажид Абдурашитов. — Биздаги меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг мустаҳкамлиги, кишиларнинг ўз хизмат вазифасига ижодий ёндашаётганлиги сабаби ҳам ана шунда — коллективда соғлом маънавий муҳитнинг вужудга келтирилганлигидадир».

Афсуски, ҳамма жойда ҳам ана шундай муҳит вужудга келтирилмаган. Одамларга лоқайд муносабатда бўлинаётган, пухта ўйланмай пала-партиш иш олиб борилаётган меҳнат коллективлари ҳам йўқ эмас. Бундай коллективлар ишида унум, кишилар ўртасида қўним бўлмайди, кўпдан кўп қимматли иш вақти, меҳнат беҳуда сарфланади, масъулиятсизлик кучаяди, интизом бўшашади. Ўёки бу камчилик ва салбий воқеаларга дуч келганда кишилар «бунинг менга даҳли йўқ, бу ҳақда бошқалар бош қотирсин», деган нотўғри тушунча билан ўзларини четга тортадилар. 300 га яқин ходим меҳнат қилаётган Гулистон ўйсозлик комбинатида сўнгги бир ярим йил мобайнида 127 кишининг ишдан бўшаш ҳақидаги аризаси кўриб чиқилди. Бунинг сабаби ўрганилганда корхонада ўзаро ақиллик ва ҳамжиҳатлик йўқлиги, бўйруқбозлик кучайгани сабабли ишчиларнинг кўп вақти бекор ўтаётгани маълум бўлди.

Партия ташкилотлари баъзи ходимлар айби билан содир бўлаётган бундай кўнгилсиз воқеаларга дуч келганларида энг аввало ана шу воқеанинг иқтисодий ҳамда сиёсий моҳиятига эътибор беришлари керак. Гарчи меҳнатни тўғри ташкил этиш маъмуриятнинг бош вазифаси ҳисобланса ҳам партия ташкилотлари маъмурият ишини назорат қилиб бориш, ишлаб чиқаришдаги аҳволни назардан қочирмаган ҳолда унинг барча звеноларида уйғунлик ва маром бўлишига эришиш учун курашга даъват қилингандирлар.

Коллектив кишиларнинг мақсад бирлиги, бурчни чуқур англаб етиши, дўстлиги, ўзаро ҳурмати, ишда ва турмушда бир-бирига ёрдами, юксак интизоми билан мустаҳкамдир. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг кундалик иши, агитатор ва пропагандистларнинг, меҳнат ветеранларининг шоҳли ва мароқли сўзлари кишиларда ана шу фазилатларни тарбиялаш вазифаси билан йўғрилган бўлиши зарур.

Инсонга ҳамиша ҳурматда ва ғамхўр бўлиш, ўзига ва бошқаларга нисбатан қаттиқ талабчанликни қарор топтирадиган соғлом маънавий муҳитни вужудга келтириш партия ташкилотларининг доимий диққат эътиборида турадиган муҳим ишдир. Вазифа шуки, ҳар бир меҳнат коллективи коммунизм қурувчисининг ахлоқ нормаларига амал қилиб яшаётган ишоқ дўст ва ғоят жипс коллективга, КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли бажариш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун олиб борилаётган курашнинг фаол жангчисига айланиши.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

9 сентябргача республика бўйича 315.670 тонна, шу жумладан 16.919 тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Кунлик ўсиш 59.428 тоннани ташкил этди.

Теримда Бухоро области энг юқори суръатга эришаётир. Бу ерда бир кунда йиллик планнинг 2 процентигача пахта тайёрланяпти. Хоразм области деҳқонлари қабул пунктларига ҳар куни 7.913 тонна хом ашё топширишмоқда. Сурхондарё области меҳнаткашлари бир суткада 6 минг тоннадан зиёд пахта тайёрламоқдалар. Ана шу ҳосилнинг қарийб 2,5 минг тоннаси ингичка толали пахтадир.

Пахта йиғим-терими мавсумининг дастлабки кунлариданоқ иш суръати ва сифатини таъминлаш Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларнинг бурчидир.

СИРДАРЁ

Комсомол районидаги «Коммунизм» колхозида таниқли механизатор Жавод Кўчиевнинг ўғиллари — Газиз ва Мусодиқ Жаводовлар ўзларига биркитилган «зангори кема»ларни далаларга олиб чиқишди. Ака-укаларнинг ҳар бири мавсумда 150 тоннадан пахта териш мажбуриятини олди.

СУРХОНДАРЁ

Шеробод районидаги Н. Муродов номли совхоз механик-ҳайдовчиси Омон Манасраимов бир кунда 8 тонна, мавсум бошидан буён 64 тонна пахта терди. Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг механизатори Жўра Шерматов ҳам ўз агрегати бункеридан ана шунча дурдона бўшатди.

ҚАШҚАДАРЁ

Муборак районидаги «Партия XXVI съезди» совхозининг пешқадам бригадаларидан бири — Омон Йўлдошев бошлиқ бригадаси пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Қўрининг ҳар гектаридан 21 центнердан ҳосил кўтарилди.

Қарши ва Баҳористон районларида гўза дефолиацияси якунланди.

ХОРАЗМ

Гурлан районида пахтакорлари теримда область бўйича энг юқори суръатга эришаётир. Бу ерда кунлик ўсиш 2,54 процентни ташкил этяпти. Зулайҳо ва Каромат Салаева, Муяссар Тоҳирова, Ойбиби Маммуродовалардан иборат оилавий бригада аъзолари мавсум бошидан буён 8,5 тонна пахта теришди.

НАМАНГАН

Зёдарё районида механизаторлар слёти бўлиб ўтди. Пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари ҳосилнинг 93 процентини «зангори кема»лар ёрдамида саранжомсариштa қилишга сўз бердилар. Ильич номли колхоздан Абдусалом Кабиров, «Украина» совхозидан Сирожиддин Киромиддинов бошлиқ экипажлар мавсумда агрегатлар бункеридан 900—1000 тонна пахта териш мажбуриятини олишди.

АНДИЖОН

Марҳамат районидаги «Пахтакор» колхозидан Жўрабек Ҳамдамов бригадаси областда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди. Адирдаги 59 гектар майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан хирмон кўтарилди. Бригада деҳқонлари ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга қарор қилдилар.

ҚҚАССР

Кегайли районидаги Энгельс номли колхоз деҳқонлари ҳосилни механизмлар ёрдамида териб олишга киришдилар. Жўлдосбой Алиев, Абдураҳмон Абдуғаниев, Қосим Пирлепетов сингари пешқадам механик-ҳайдовчилар кунлик топшириқни ошириб бажаришмоқда.

САМАРҚАНД

Нарпай районида пахтакорларга хизмат кўрсатувчи агитбригада ташкил этилди. Унинг составига лекторлар, бадиий ҳаваскорлик коллективлари қатнашчилари, «Москва» колхозидан «Зилола» ва «Иттифоқ» колхозидан «Ҳосил» ансамбллари киритилди. Агитбригада қатнашчилари район ҳўжаликларига жўнаб кетдилар.

ТОШКЕНТ

Бекобод районидаги Мавлонов номли совхозининг Софья Жўраева, Рўзигул Хожибоева, Ҳайри Тўғонова сингари теримчилари кунига 190—230 килограммдан пахта теришмоқда.

ФАРҒОНА

Ленинград районидаги Ленин номли колхознинг Муҳаммаджон Эшонқулов етакчилик қилаётган бригадаси йиллик топшириқни бажарди. Бу ерда ҳар куни 5 процент миқдорида пахта тайёрланаётир.

БУХОРО

Ғиждувон районидаги «СССР 60 йиллиги» колхозидан Фотима Ҳайдарова эл хирмонига 3750 килограмм пахта териб топширди. Бу чевар теримчи ҳар куни 290—300 килограммдан дурдона тераётир.

Свердлов районидаги «Ленинград» колхозининг Ислом Давронов бошлиқ бригадасида кунлик ўсиш 10 процентни ташкил этаётир.

НАВОИЙ ОБЛАСТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Навоий областининг ғаллакорлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини бажара борib, социалистик мусобақани кенг авж олдириб, давлатга ғалла сотиш топшириғини муддатидан илгари адо этдилар. Ватан хирмонига 12 минг тонна, шу жумладан 9,5 минг тонна маккажўхори дони тўкилди.

Давлатга ғалла сотиш плани ҳамда топшириғини ошириб бажарган Қизилтепа, Навоий, Хатирчи ва Навбаҳор районларининг хўжаликлари область ғаллакорларининг меҳнат ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар. Область колхоз ва совхозлари гектар бошига салкам 20 центнердан бошоқли дон ва 65 центнердан кўпроқ «каҳрабо дон» ҳосили етиштирдилар, Хатирчи районининг хўжаликлари эса суғориладиган ҳар гектар ердан 35 центнерга етказиб буғдой ва арпа олдилар.

Навбаҳор районидаги Навоий номли, Навоий районидаги «Ленин йўли», Хатирчи районидаги Калинин номли, Қизилтепа районидаги «Ёш ленинчи» колхозларининг маккажўхорикорлари давлатга дон сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажариб ва гектар бошига 85—120 центнердан ҳосил кўтариб, юксак кўрсаткичларга эришдилар. Навоий районидаги «Зарафшон» совхозидан Ф. Эсонов, Хатирчи районидаги «Коммунизм» колхозидан М. Санақулов, Қизилтепа районидаги «Ёш ленинчи» колхозидан С. Бухорова бошчилик қилаётган илғор комсомол-ёшлар бригадалари ва бошқа кўпгина бригадалар мўл ҳосил етиштирдилар ҳамда ҳар гектар экин майдонидан 97—125 центнердан маккажўхори дони, Хатирчи районидаги «Коммунизм» колхозидан Э. Собиров раҳбарлик қилаётган бригада эса гектар бошига 53 центнердан бошоқли дон ҳосили олдилар.

Навбаҳор районидаги Навоий номли колхозидан А. Санақулов, Қизилтепа районидаги Ульянов номли колхозидан С. Сафаров, Хатирчи районидаги «Ўзбекистон» колхозидан С. Султонов, Навоий районидаги «Ленин йўли» колхозидан Ю. Одилов каби ва бошқа кўпгина комбайнчилар ҳосил ўрим-йиғимида фидокорона меҳнат қилиб, мавсумда 400—500 тоннадан маккажўхори дони янчиб бердилар.

Область хўжаликлари шу йил давлатга пилла, қоракўл тери, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва ҳўл мева, сотиш плани ҳамда социалистик мажбуриятлари бажарилишини таъминладилар. Пахтакорлар мўл ҳосил етиштирдилар ва ана шу қимматли техника хом ашёсини муваффақиятли тайёрлай бошладилар. Область меҳнаткашлари давлатга Навоийнинг 240 минг тонна «оқ олтин»ни сотишдан иборат социалистик мажбуриятини бажаришга, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнатда янги-янги муваффақиятлар билан нишонлашга азму-қарор қилганлар.

КУЧИМИЗ—ҚАРДОШЛИКДА

СССР БОШ ВИСТАВКАСИДА ТАНТАНАЛИ КЕЧА

МОСКВА, 9 сентябрь. (ЎзТАГ махсус мухбири О. Осипов). СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланиб, ўтказилаётган Ўзбекистон ССР кунлари совет кишилари бирлигининг, ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин намойишига айланиб кетмоқда. Бугун мамлакат Бош кўргазмасига келган кўпдан-кўп кишилар «Ягона оилада» юбилей экспозициясидаги республика бўлими билан таниширишга қолмай, Ўзбекистон делегациясининг аъзолари — министрликлар, йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари, олимлар билан ҳам учрашдилар.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри А. А. Ўрқинбоев республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ишлари ҳақида, уларнинг СССР Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга салмоқли ҳисса қўшаётганликлари тўғрисида гапириб берди. Ўзбекистон геология министрининг ўринбосари Т. Шоёқубов томошабинларни ўлкамиз ер ости бойликларини ўрганиш ва ўзлаштириш соҳасидаги ишларнинг катта программаси билан таништирди. «Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг директори И. Х. Мусин қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш даражаси муттасил ўсиб бораётганлиги, деҳқонлар учун янги қудратли машиналар яратилаётганлиги ҳақида гапирди. Республика маданият министри З. Раҳимбобоева Ўзбекистонда маданиятнинг равнақи тўғрисида ҳикоя қилди. Республика олимларининг халқ хўжалигидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишга қўшаётган ҳиссаси, улар илмий изланишларининг натижалари ишлаб чиқаришга ҳадал жорий этилаётганлиги Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академики У. О. Орипов ахборотининг мавзуи бўлди.

Бугун виставкада Ўзбекистон ССР кунларига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Кечала қатнашиш учун бу ерга Москва меҳнат коллективларининг намояндалари, виставканинг кўпдан-кўп меҳмонлари келдилар. Кечани СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси директори вазифасини ижро этувчи К. П. Черняев очди.

Кечада сўзга чиққан республика делегациясининг бошлиғи — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. Ў. Салимов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих институтининг директори М. О. Охунова, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Н. Сивец, КПСС Москва шаҳар Люблин район комитетининг биринчи секретари А. К. Жиндков, С. М. Киров номидаги Ленин орденли биринчи Москва соат заводининг сайқалчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. П. Евстигнеев шуни таъкидладиларки, юбилей экспозицияси, қардош иттифоқдош республикаларнинг СССР Бош виставкасидаги кунлари, шу жумладан Ўзбекистон кунлари ишчи ва деҳқонларнинг дунёда биринчи кўп миллатли Совет давлатининг тарихий аҳамиятини чуқур ва ҳар томонлама очиб беради.

Ўзбекистон меҳнаткашлари, дейилди кечада, ўзларининг бутун куч ва ғайратларини умуминтифоқ ютуқларига янада кўп ҳисса қўшишга сарфламоқдалар, янада ташаббускорлик билан ишлашга, резервларни қидириб топиб, ишга солишга, ҳамма жойда ишчанлик, топширилган иш учун масъулият вазиятини вужудга келтиришга интилмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширишга бағишланган Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқида берган тавсиялари ва маслаҳатларини, мана шундай амалга оширмоқдалар. Ҳозир республиканинг жуда катта илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, маданий имкониятлари социал-иқтисодий қурилишнинг партия белгилаб берган улуғвор программасини шараф билан бажаришга, озиқ-овқат программасини муваффақиятли равишда турмушга татбиқ этишга, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини янги ютуқлар билан нишонлашга қаратилган.

Совет халқларининг улуғ қардошлиги — дадил орзуларни комил ишонч билан амалга ошириш имконини берадиган битмас-туганмас куч-қудрат манбандир, деб таъкидлашди нотиқлар. Бинобарин виставкада ўтказилаётган Ўзбекистон байрами бунинг яққол исботидир. Ленинча миллий сиёсатнинг, дўстлик ва қардошлик сиёсатининг қучи Совет Ўзбекистони тақдирида яққол намоён бўлди. Республика пойтахти — Тошкент мамлакатдаги барча миллат ва элатлар мустаҳкам бирлигининг, улар доимо бир-бирларига ёрдам қўлини узатишга тайёр турганликларининг намунасидир. Зилзила натижасида вайрон бўлган бу шаҳарни қайта тиклашда барча иттифоқдош республикаларнинг намояндалари қатнашдилар. Ўзбекистон намояндалари ҳам қарздор бўлиб колаётганлари йўқ — улар Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштиришда, Байкал — Амур магистралини ва Тюмень областидаги йўлларни қуришда ёрдам бермоқдалар.

Ўзбекистон вакилларига СССР Бош виставкасининг Фахрий дипломи ва эсдалик медали топширилди.

Тантанали кечада КПСС Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари Р. Г. Яновский, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари А. М. Роганов, СССР Меҳнат давлат комитетининг раиси В. Г. Ломоносов, Москва шаҳар Жданов район партия комитетининг биринчи секретари П. Е. Дикарев, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари А. Г. Мальцев, И. Е. Пономарев, Н. Н. Фролов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов, СССР Министрлар Советининг, Москва Советининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Кеча охирида Ўзбекистон бадиий ҳаваскорлик коллективлари ва санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар.

* * *

Бутунроссия театр жамиятида бўлиб ўтган кечада Ўзбекистон театрларининг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган янги спектакллари тўғрисида, республика саҳна усталарининг ижодий режалари ҳақида гап борди. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўтаётган Ўзбекистон кунларининг қатнашчилари кечанинг меҳмонлари бўлишди. СССР халқ артисти, Ленин мукофотининг лауреати И. К. Архипова, СССР халқ артисти, Ўзбекистон театр жамиятининг раиси С. Эшонтўраева ва бошқалар Москва ҳамда республикамиз санъат арбобларининг ҳар тарафлама алоқалари, улар олиб бораётган бирграликдаги ишлар тўғрисида гапириб бердилар.

* * *

Бугун Ўзбекистон кинематографчиларидан бир группаси — СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида республика кунлари қатнашчиларини СССР Кинематография давлат комитетининг раиси Ф. Т. Ермаш қабул қилди. Суҳбатда КПСС XXVI съезди талаблари асосида Ўзбекистон кино санъатини янада ривожлантириш масалалари тўғрисида гапирилди.

* * *

Совет давлати ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланиб СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўтказилаётган Ўзбекистон кунларининг қатнашчилари бугун Москва Советида қабул қилиндилар. Москва Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. М. Коломин ва Москва Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Е. Бирюков пойтахт меҳмонларини табрикладилар.

Ўзбекистон ССР делегациясининг аъзолари саминий кутиб олганликлари учун, мамлакатнинг Бош виставкасида республика байрамини ташкил этишда берган ёрдами учун Москва Советининг ходимларига миннатдорчилик билдирдилар.

* * *

Бугун СССР Ёзувчилар союзида бўлиб ўтган суҳбатда адибларнинг коммунистик қурилишдаги ўрни тўғрисида, Советлар мамлакати ташкил этилганлигининг 60 йиллиги байрамига қандай ҳозирлик кўрилаётганлиги ҳақида гапирилди. Мамлакат Бош виставкасидаги Ўзбекистон кунлари қатнашчиларини СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Г. М. Марков қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Д. ЖУМАБОЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭКОНОМИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — Қорақалпоғистон АССР Давлат план комитетининг раиси Ўртоқ Давлат Жумабоевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» Фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1982 йил 9 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва хўжалик органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан халқ депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитети область коммунал хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Турсун Қамбарова «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган коммунал-маиший хизмат ходими» Фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, улар ўртасида сиёсий ва илмий билимларни тарқатишда актив қатнашганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Убайдулла Аббосович Абдураззоковни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

СЕЛЕКЦИЯЧИЛАР УЧРАШУВИ

Тошкент яқинидаги «Красний водопад» экспериментал хўжалигида ўтказилган Совет — Югославия симпозиумида маккажўхори етиштиришни янада ривожлантириш актual проблемалари муҳокама қилинди. Симпозиум 9 сентябрда ишини тугаллади.

Совет ва Югославия олимлари қилган докладларда маккажўхори селекцияси, уруғчилиги ва уни парвариш қилиш технологияси, механизациялаш ва химиялашни, алмашлаб экишни жорий этиш соҳасидаги ютуқлар акс эттирилди.

Симпозиум қатнашчилари республиканинг энг серҳосил хўжаликларидан бири — Тошкент областидаги «Политотдел» колхози далаларида бўлиб, янги дурагайлар қандай етиштирилаётганлиги билан танишдилар. (ЎзТАГ).

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

БМТ Бош секретари Хавьер Перес де Куэльяр Совет ҳукуматининг таклифига биноан 8 сентябрь куни расмий визит билан Москвага келди.

Аэродромда меҳмонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Перу Республикасининг СССРдаги элчиси Р. Хупер Лопес бор эди.

(ТАСС).

СССР 60

Молдавия ССР ҳафталиги

ДЎСТЛИК КЎПРИКЛАРИ

Совет халқларининг дўстлиги, қардошларча бирдамлиги натижасида социалистик Ватанимиз тобора гуллаб-яшнамоқда. Бу дўстлик Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли бунёдга келди, совет беш йилликларининг афсонавий боқасаси, Улуғ Ватан урушининг жанг майдонларида чиниқди ва ўсди. Совет кишилари социалистик Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун бирдам бўлиб курашдилар.

Совет Иттифоқи онласининг тенг ҳуқуқли аъзоларидан бири бўлган Молдавия Совет Социалистик Республикаси ҳам СССР халқларининг қардошларча ёрдами натижасида юксак даражада ривожланди. Иқтисодий ва социал ривожланишда улкан ютуқлар қўлга киритилди. Экономиканинг турли соҳаларида фан, маданият ва қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган ютуқлар беқиёсдир.

Революциядан илгари олдий буюмлардан тортиб ҳатто михгача чет элларидан келтирилар эди. Молдавия саноати йўқ ҳисобида эди. Эндиликда боғ-роғлар ўлкаси ҳисобланган республикада саноат жадал ривожланяпти. Молдавияда саноатнинг кўплаб тармоқлари ишлаб турибди. 545 корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар мамлакатимиз ва олтмишдан ортиқ чет элга чиқарилмоқда.

1922 йилнинг 19 апрелида республиканинг Тирасполь шаҳрида дастлабки электр станция фойдаланишга топширилган эди. Ўшанда В. И. Ленинга қуйидагича телеграмма юборишган эди: «Станция сизнинг номингиз билан аталди. Чунки сиз Совет Россиясини электрлаштиришнинг асосчисисиз».

Молдавия тупроғида дастлабки Ильич чироғи порлади. Бу меҳнат фронтидаги йирик ғалаба эди. Эндиликда Тирасполь яқинида Улуғ Октябрь 50 йиллиги номли Молдавия ГРЭСи корпуслари кўзга яққол ташланади. Бу иншоот қурилишида мамлакатимиздаги 40 дан ортиқ миллат вакиллари иштирок этдилар. Барча иттифоқдош республикаларнинг 500 дан ортиқ саноат корхонаси қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналар етказиб берди. Станция ҳозир йилига 15 миллиард киловатт-соатга яқин электр энергия бермоқда. ГРЭС корпуслари ёнида эса В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига яратилган «Ильич хотираси» боғи яшнаб турибди.

Молдавия ССР қишлоқ хўжалиги ҳам юксак даражада ривожланди. Республикада агросаноат комплекси тараққий этяпти. Молдавия ССР меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларидан руҳланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янада кўпайтириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Республика шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари партия кўрсатмаларини бажариш йўлида активфаолият кўрсатмоқдалар. Қишлоқ хўжалиги ходимлари давлатга кўплаб узум, тамаки барги, сабзавот, полиз маҳсулотлари, гўшт ва сут етказиб бериш учун социалистик мусобақага активқўшилиб, кундан-кунга юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Молдавия ССР маданияти ҳам гуркираб ўсяпти. Рус маданияти ва рус тилининг роли бу соҳада беқиёсдир. Молдавия тупроғида замонавий шаҳарлар, янгидан-янги қишлоқлар вужудга келди. Фан ва маданият гуркираб ривожланди. СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ҳаракат қилаётган Молдавия меҳнаткашлари ҳар бир соҳада юксак унумдорликка эришмоқдалар.

Молдавия ССР пойтахти — Кишинёв мамлакатимизнинг гўзал шаҳарларидан биридир. Шаҳар йирик саноат, фан ва маданият марказидир. Бу ерда кўплаб йирик саноат корхоналари, маданият муассасалари мавжуд. Шаҳар марказини тўртта йирик микрорайон ўраб турали. Бу микрорайонларда кенг кўчалар ва хиёбонлар мавжуд. Шаҳарликлар бу хиёбонларда хордиқ чиқаришади. Ўнинчи беш йиллик мобайнида бу ерда ҳар йили 300 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилган эди. Ўн биринчи беш йилликда эса республика пойтахтида 1,5 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой фойдаланишга топширилади. **Суратда: Тинчлик проспекти.**

А. Семехин фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

САМАРАДОРЛИК — БОШ МЕЗОН

КПСС XXVI съезди мамлакатни социал-сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожлантириш соҳасида белгиланган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда, ижтимоий тараққиёт суръатларини жадаллаштиришда илм-фанга катта роль ажратилган. Бинобарин, коммунистик бунёдкорликнинг ҳозирги босқичида илм-фаннинг бевосита ишлаб чиқариш кучларига айланиши тезлашиб кетди. Партия ва ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътибори ва ғамхўрлиги туфайли жумладан, Қорақалпоғистоннинг илмий потенциали анча ўсди. Нукус давлат университети эса қисқа вақт ичида қуйи Амударё диёрида малакали мутахассислар тайёрлаш, фан, маданият ва маорифни ривожлантиришнинг йирик маркази бўлиб қолди.

Университетнинг моддий-техника базаси йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Бош ўқув-лабораторя корпусининг янги биноси қурилди. Қишлоқ хўжалик-иқтисод факультети, ҳисоблаш маркази учун алоҳида бино ажратилди. Студентлар саройи, маиший хизмат кўрсатиш блоки ҳам бўлган ётоқхоналар, санаторий-профилакторий ва бошқа бир қанча объектлар ишга туширилди. Кутубхона йил сайин бойиб бормоқда. Ҳозирги кунда унда 400 мингдан ортиқ дарслик ва илмий адабиётлар бор.

Профессор-ўқитувчил а р и миз савияси ва илмий даражаси ортиб бормоқда. Бу жиҳатдан Иттифоқимиз ўртача кўрсаткичига етиб олдик. Физика, математика, биология, физиология ва жамиятшунослик каби фундаментал фанларда илмий даража ва унвони бўлган ўқитувчилар салмоғи ортди. Илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда улар малакасини оширишда асосан мамлакатимизнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари ёрдамига таянмоқдамиз. Шу беш йиллик планига кўра юздан ортиқ аспирант ҳамда стажёрларимиз марказий олий ўқув юртлари ҳамда илмий муассасаларда таълим олиши кўзда тутилганлигини айтиш кифоя.

Илмий потенциалдан янада яхшироқ фойдаланиш, олимларимиз куч-ғайратини йирик халқ хўжалик проблемаларига жамлаш диққат марказимизда турибди. Чунончи, ўнинчи беш йиллик охирларида илмий-тадқиқотлар 73 мавзу бўйича олиб борилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 50 дан ошмайди. Бунда мавзуларни йириклаштириш муҳим роль ўйнамоқда. Илмий тадқиқотлар янада конкретроқ бўлиб қолди, уларнинг самарадорлиги ва амалий нафи ортиб бормоқда. Башарти 1978 йилда университетда хўжалик шартномаси асосида умуман илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган бўлса, корхоналар ҳамда ташкилотлар билан алоқани мустаҳкамлаш туфайли ишлаб чиқариш бююртмалари асосида ўтган йили 350 минг сўмликдан кўпроқ иш бажарилди. Бу тадқиқотларда студентлар ҳам қатнашдилар.

Кейинги йилларда университет олимлари изланишлари учун олти авторлик гувоҳномаси олинди. Элликка яқин монография ва брошюра, элликдан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Илмий-тадқиқотларнинг амалиётга жорий этилиши бир миллион сўм иқтисодий самара келтирди. Университет олимларидан айримлари Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти ҳамда Бердах номли Қорақалпоғистон АССР Давлат мукофотларини олишга сазовор бўлдилар.

Илмий тадқиқотларда ҳамкорлик йил сайин мустаҳкамланиб бораётганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бизнинг университет СССР, Украина ССР ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияларининг институтлари, мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ҳисоблаш математикаси кафедрасининг ўзи 41 илмий муассаса, университет ҳамда институт билан ижодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузган. Бу муассасаларнинг олимлари илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказишимизда амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга муҳим бўлимлар бўйича махсус курслар лекция ўқимоқдалар. Ватанимизнинг етакчи олимлари фан билан амалиётнинг қатор проблемалари бўйича илмий тадқиқотларга етакчилик қилишга ҳам жалб этилмоқда. Орол денгизи ва Қуйи Амударё проблемалари, шунингдек, Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизиш проблемалари юзасидан В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети, Украина ССР Фанлар академиясининг Кибернетика ва экономика. Механика ва материалшунослик проблемалари институтлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг ҳисоблаш маркази билан ижодий ҳамкорликда тадқиқот олиб борилмоқда. Ана шундай изланиш натижасида Орол денгизининг морфометрик маълумотларини аниқлаш методикаси жорий этилди.

Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларида Қуйи Амударёда территориал-ишлаб чиқариш комплексини барпо этиш ҳамда пахта етиштиришни шу регионда 500 минг гоннага, шоли етиштиришни эса икки миллион тоннага етказиш юзасидан катта вазифалар қўйилган. Олимларимиз бу муҳим халқ хўжалик аҳамиятига молик вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун катта иш олиб бормоқдалар.

Маълумки, жонажон партиямиз Марказий Комитетининг кейинги Пленумида СССР Озиқ-овқат программаси қабул қилинди. Бу улуғвор ҳужжат режаларини амалга оширишда олимлар олдига жуда катта вазифалар қўйилган. Шу боис Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институти ходимлари билан ҳамкорликда шоли генетикаси ва селекцияси соҳасида, ўсимликларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан биологик ҳимоя қилиш бобида кенг кўламда тадқиқотлар бошлаб юбордик. Шу муаммолар бўйича бизда проблема илмий-тадқиқот лабораторияси барпо этиш учун барча зарур шарт-шароит бор. Илмий асосланган тавсияномаларни амалиётга жорий этиш автоном республикамизни мамлакатнинг асосий шолиқор ўлкаларидан бирига айлантириш имконини беради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника институти билан ҳамкорликда иш олиб бораётган олимларимиз эса Қизилқум табиий яйловларини ўзлаштириш ва улар маҳсулдорлигини ошириш проблемалари устида иш олиб бориб, табиий яйловларнинг ҳолатини яхшилаш, бойитиш ҳамда чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базасини барпо этиш юзасидан тавсияномалар яратдилар.

Қорақалпоғистон учун катта аҳамиятга молик тадқиқотлардан бирини қишлоқ хўжалик-иқтисод факультети олимлари физиклар, химиклар, биолог ва математиклар билан биргаликда олиб бормоқда. Бу иш Амударё қуйи қисмида асосий ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, ўлка иқлим шароитига қараб уруғликка ишлов беришнинг янги агротехник усулларини яратишга қаратилган бўлиб, уларнинг амалиётга жорий этилиши 720 минг сўм иқтисодий самара берди.

Қардош республикалар илмий муассасалари ўртасидаги самарали алоқаларга университетимиз билан Украина ССР Фанлар академиясининг Ярим ўтказгичлар институти ўртасидаги муносабатни кўрсатиш мумкин.

Ярим ўтказгичлар соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларни янада кенгайтириш тадбирлари кўрилмоқда. Бизда кўп қатламли ва даврий ярим ўтказгичлар структураси бўйича проблема лабораторияси барпо этиш учун тегишли база бор. Шу мақсадда 600 минг сўмликдан кўпроқ ҳар хил илмий ускуналар сотиб олинган. Афсуски, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг «Ярим ўтказгичлар физикаси ва химияси» илмий-техника кенгашининг, СССР Фанлар академияси қошидаги ярим ўтказгичлар физикаси ва химияси проблемалари бўйича илмий кенгашининг, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Физика-техника институтининг тавсияномалари бўлса ҳам ана шу лабораторияни очиш масаласи ҳамон ҳал этилмай қолмоқда.

Физик олимлар халқ хўжалигимиз учун ниҳоятда керакли бўлган муайян кристаллар олишнинг янги методини яратдилар. Бундан ташқари янги, оптик жиҳатдан такомиллаштирилган монокристаллар Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкаларида намойиш этилди.

Жамиятшуносларимиз, филология кафедралари олимлари назария ва амалиётни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Улар қорақалпоқ диёрида экономика ва маданиятни ривожлантиришда СССРдаги қардош халқлар, энг аввало рус халқининг интернационал ёрдами роли тўғрисида, турк тиллари ва адабиётларининг ривожланиш қонуниятлари ҳақида изланиш олиб бормоқдалар. Тадқиқот натижалари монография ва рисолаларда умумлаштирилмоқда. Филологларимиз умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртлари учун бир қанча оригинал дарсликлар яратдилар. Хуллас, бизда мутахассислар тайёрлаш билан бирга кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Профессор-ўқитувчил а р и миз КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь ва 1982 йил май Пленуми қарорларини изчил амалга ошира бориб, бутун куч ва ғайратларини илмий-тадқиқот ишларини кучайтиришга, иш натижалари самарадорлигини оширишга, ўлкамиз экономикаси, фани, маданияти ва маорифини янада ривожлантириш манфаатлари йўлида ишлаб чиқариш билан алоқани мустаҳкамлашга қаратаверадилар.

Ч. АБДИРОВ,
Т. Г. Шевченко номли Нукус давлат университети ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

Ишлаб чиқариш командирлари минбари

КОРХОНА КЎЗГУСИ

Қува мебель фабрикаси Фарғона областидаги кенжа корхоналардан биридир. Шунга қарамасдан ўтган йиллар фабрика ҳар жиҳатдан тараққий этган, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, сифати ҳам кескин ошган даврдир бўлди. Чунончи, бир неча йил муқаддам корхона атиги ярим миллион сўмлик атрофида маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилига келиб бу рақам 6 миллион 400 минг сўмга яқинлашиб қолди.

Халқимизнинг моддий фаровонлиги, харид қуввати ошган сайин турли қимматбаҳо моллар, жумладан, сифатли мебель маҳсулотларига ҳам талаб ва эҳтиёж ортиб бормоқда. Буни айниқса, биз мебель саноати ходимлари яхши сезиб, ҳис этиб турибмиз. Буюртмачилар, қолаверса аҳолининг кенг қатламлари билан бўладиган суҳбатлар ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

Кун тартибида арзон, қулай, сифатли мебель ишлаб чиқаришни кўпайтириш масаласи турган экан, бунга қай йўл билан эришилмоқда, деган савол туғилиши табиий. Аввало шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, фабрика маъмурияти, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари коллектив ўртасида соғлом ижодий муҳитни вужудга келтириш, социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш, коллективнинг ҳар бир аъзосида масъулият ҳиссини оширишга эришди. Бу нарса ўз навбатида ишчи ва хизматчиларнинг ташаббускорлиги, меҳнатсеварлигини оқлиши, резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш, суръат ва сифатни яхшилашда қўл келмоқда.

Корхона меҳнат аҳлини ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажаришга даъват этиш билан бир қаторда биз янги қувватларни ишга туширишга, технологик жараёнларни яхшилаш борасида ҳам жиддий тадбирларни амалга оширяпмиз. Масалан, ўтган йилнинг ўзида иккита технологик линия ишга туширилди. Мебель саноатининг етакчи корхоналаридан бири ҳисобланган Москвадаги 3-мебель фабрикасида 13 нафар ходимнинг малака ошириб келиши ишлаб чиқариш суръати, хусусан, маҳсулот сифатини кўтаришда муҳим роль ўйнамоқда. Корхона маркази кадрлар малакасига боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, корхона ҳузурида уч ойлик махсус курс ташкил этганмиз. Фабриканинг етакчи мутахассислари, инженер-техниклар, мастерлар етакчилик қилаётган бу курсни ҳар уч ойда 70—75 киши битириб чиқмоқда.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлида кўрилаётган кенг кўламдаги амалий тадбирлар ўзининг ёрқин самарасини бермоқда. Масалан, республика мебелчилари мусобақасида муттасил пешқадамлик қилаётган фабрикамиз 1979—1980 ва 1981 йиллар якунларига кўра, уч йилдан буён узлуксиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини олишга муваффақ бўлмоқда. Хусусан, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили плани деярли икки ой барвақт адо этилиб, планга қўшимча 860 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шуни мамнуният билан айтиб ўтишни истардимки, корхонамиз коллективи бу йил ўтган йилдагидан ҳам баланд руҳ билан меҳнат қилмоқда. Ишчиларимиз, инженер ва техник ходимларимиз саксон иккинчи йилни катта ютуқлар йилига айлантириш учун курашмоқдалар. Коллектив 1982 йил 8 ойлик маҳсулот тайёрлаш планини 111,8 процент бажарди. Меҳнат унумдорлиги топшириғи 109,1 процент адо этилди.

Суръатина эмас, сифат ҳам бош масалалигича қолади. Қатъий тартиб-интизом, ишлаб чиқариш устидан изчил назорат сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнамоқда. Биз давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни кун тартибидаги энг долзарб вазифалардан бири деб биламиз. Ўтган йили 15 процент маҳсулот Сифат белгиси билан чиқарилган эди. Бу йил бу рақам йил охирига қадар 20 процентга етади ва Сифат белгиси билан чиқарилган маҳсулот бир миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этади.

Корхонада йил сайин янги қувватлар ишга тушаётгани ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Шунисн қувончлики, бу йил ҳам фабрикамизда умумий майдони 7000 квадрат метрдан иборат янги йирик цех ишга туширилади. Ҳозир бу ерда учта технологик линия ўрнатилиб, монтаж ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Қурилиш ишлари асосан ҳашар йўли билан бажарилмоқда. Бу тадбирлар амалга ошгач, ўн биринчи беш йилликнинг ўрталарига бориб корхонамизда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўн миллион сўмликни ташкил этади.

Фабрикамиз кенгайиб, янги цехлар ишга туширилиши маҳсулот ассортиментини кенгайтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Ҳозир биз 6 хил маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Йил охирига қадар эса, бу ларо қаторига яна икки хил ассортиментдаги маҳсулот қўшилади. Янгидан ўзлаштириладиган ассортиментдаги маҳсулотларни фақат Сифат белгиси билан чиқаришга эришамиз. Бунга ҳозирданоқ тайёргарлик кўряпмиз. Ўн биринчи беш йиллик охирига қадар маҳсулотларимиз яна 4 хил ассортимент билан бойийди.

Хом ашё ва материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш, иқтисод, тежамкорлик фабрикамиз меҳнат аҳлининг шиори бўлиб қолган. Дастлабки пайтларда деярли эътибордан четда бўлган чарм чиқиндиларидан эндиликда ойига икки минг жуфт қўлқоп тикишга эришяпмиз. Бошқа жараёнларда чиқит бўлаётган материаллардан эса минглаб вешалкалар тайёрланяпти. Бир сўз билан айтганда, чиқиндилардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш ҳисобига фабрикамизда йилига қарийб 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Чиқит материаллардан турли эсдалик совғалари ясайдиган цех очилиши, айниқса, қувонарли воқеа бўлди.

Кўплаб ишчи ва хизматчиларимиз республикамиз мебель саноати пешқадамлари сафидан жой олганликларидан мамнунмиз. Кресло цехи ишчиси Р. Акбаров ўн бешлар ташаббусига қўшилиб, ҳозир 1984 йил ҳисобига ишламоқда. Меҳнат Қизил Байроқ ордени Р. Қосимов, Л. Сизова, учинчи даражали Меҳнат шуҳрати ордени кавалери Ш. Тожибоев ҳамда бошқа қатор ишлаб чиқариш илғорлари меҳнатда энг юксак кўрсаткичларга эришиш билан бир қаторда ёшларга қунт ва ихлос билан касб-ҳунар ўргатмоқдалар.

Факт ва рақамлар, кўрсаткичлар мебелчиларимиз ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини сўзсиз ошириб адо этишга бел боғлаганликларини кўрсатиб турибди. Лекин, эришилган ишга муваффақиятлар биз учун чегара бўлиб қолмайди. Халқимиз учун бундан ҳам сифатли, ҳар жиҳатдан мукаммал ҳамда кўп мебель ишлаб чиқариш эзгу ниятимиздир.

М. УЛУҒОВ,
Қува мебель фабрикаси директори.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ БУЙЛАБ

ХАРЬКОВ

Кекса ўймакор П. Фоменконинг «Ёвойи шимолда» деган янги асари Харьков бадиий музейининг экспозициясига қўшилди. Бу асар Байкал-Амур магистрали қашшофларининг жасорати тўғрисида ҳикоя қилади. Украина ССР халқ ижодиётининг хизмат кўрсатган устаси ана шу композицияси билан кўп миллатли Советлар мамлакатига бағишланган асарлари туркумини ниҳоясига етказди.

БОКУ

Озарбайжонда оммавий пахта терими бошланди. Ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай мўл ҳосил етиштирилди. Бу йил республика деҳқонлари бир миллион тоннадан кўпроқ пахта йиғиб-териб олишни мўлжалламоқдалар.

ЛЬВОВ

Украинанинг кўҳна шаҳрида ёш шоирларнинг Бутуниттифоқ фестивали очилди. Барча қардош республикалардан келган кўрик қатнашчилари ижодий фаолиятига якун ясайдилар, келгуси режаларини ўртоқлашадилар. Уларнинг асарлари СССРнинг 60 йиллигига бағишланган дўстлик ва поэзия кечалари программасига киритилган. Львов адабий бирлашмаларининг қатнашчилари ва ижодкор ёшлари билан учрашувлар ҳам ўтказилади.

МАГНИТОГОРСК

Венгриянинг «Метримпэкс» корхонаси виставкасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун мўлжалланган машина-ускуналар намойиш қилинмоқда. Виставка Магнитогорск конметаллургия институтида очилди.

КИШИНЕВ

Бу ерда «Тинчлик, қуролсизланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» мавзуига бағишланган халқаро ёшлар семинари очилди. Семинар қатнашчилари — ўн беш мамлакатдан келган йигит-қизлар тинчлик ва ялпи қуролсизланиш учун кураш масалаларини муҳокама қиладилар. Улар Молдавиядаги тенгқурлари билан учрашадилар, республика бўйлаб сафар қиладилар.

(ТАСС).

Идеология иши тажрибасидан

ИЗЧИЛЛИК ВА САБОТ БИЛАН

Халқ оммасини илмий материалистик дунёқараш руҳида тарбиялаш — коммунистик қурилиш жараёнида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли Коммунистик партиянинг идеология соҳасида олиб бораётган ишларида атеистик тарбияга катта эътибор бериб келинаётир. Бинобарин, жамиятнинг ҳамма аъзоларида атеистик дунёқарашни камол топтириш энг муҳим вазифалардандир.

Бизнинг программамиз бутунлай илмий ва шу билан бирга айнан материалистик дунёқарашга асосланган. Бу программани тушунтирганда диннинг тарихий ва иқтисодий илдизини бутун далиллар асосида тушунтириш ва атеизмни кенг кўламда пропаганда қилиш керак, деган эди В. И. Ленин. Бу ленинча кўрсатмаларни оғишмай бажариш, меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш ҳамиша партиямиз фаолиятининг негизини ташкил этиб келмоқда.

Республика илмий атеизм уйининг Самарқанд область филиали аҳоли ўртасида олиб бораётган атеистик тарбия ишларининг усул ва услубларини изчил такомиллаштириб боряпти. Областдаги барча шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида фаолият кўрсатаётган илмий атеизм кенгашларининг иши кейинги йилларда анча яхшиланди. Халқ депутатлари область, шаҳар, район, қишлоқ ва поселка Советлари ижроия комитетлари ҳузурида иш олиб бораётган янгича урф-одатлар, анъанавий маросимларни омма ўртасида тарғиб қилувчи комиссиялар фаолияти ҳам жонланиб бормоқда.

Область партия комитети ва республика илмий-атеизм уйининг Самарқанд область филиали «Ҳозирги замон атеистик тарбиясининг актуал проблемалари» мавзуида ўтказган илмий-амалий конференцияда барча шаҳар ва район партия, комсомол комитетлари секретарлари, поселкалар, қишлоқ Советлари ижроия комитетларининг раислари, янгича урф-одатлар ва маросимларни тарғиб этиш шаҳар ва район кенгашларининг раислари ва бошқа тегишли ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Конференцияда меҳнаткашлар ўртасида атеистик тарбияни яхшилаш ва кучайтириш ҳақида тавсия қабул қилинди. Шу асосда ҳамма жойларда кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Область илмий-атеизм уйи ходимлари шаҳар ва район партия комитетлари билан ҳамкорликда районларда илмий-амалий конференциялар ўтказдилар.

Атеистик тарбияга бағишланган семинар-кенгашларга алоҳида эътибор берямиз. Уларда лектор-атеистлар фикр алмашадилар, атеистик тарбия проблемалари таҳлил қилиниб, лекцияларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан тадбирлар белгиланади. Шаҳар ва районларда атеизм кунлари ташкил этилмоқда ,савол-жавоб кечалари уюштирилаётир. 11 минг киши эса «Хотин-қизлар ва ислом», «Ислом динининг келиб чиқиши», «Абу Али ибн Сино — файласуф олим, инсониятнинг буюк фарзанди» каби мавзуларда атеистик кўчма музей экспонатларини зўр қизиқиш билан томоша қилди. Кўплаб колхоз, совхоз ва саноат корхоналари, шунингдек, маҳаллаларда ўтказилган суҳбатлар ҳам меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашда катта роль ўйнайди.

Атеистик тарбияни табаққалаштирилган тарзда ташкил этиш катта самара беряпти. Бу жиҳатдан Темирйўл районида амалга ошириладиган ишлар диққатга сазовор. Районда атеистик ишларни олиб боришда ҳар бир меҳнатчининг савияси, маънавий эҳтиёжи ҳисобга олинмоқда. Лекторлар ўз фаолиятларида бу нарсани эътиборда тутмоқдалар. «Билим» жамияти правлениесининг кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида олиб бораётган тарғибот ишлари район партия комитетининг бюро мажлисларида вақти-вақти билан эшитиб борилмоқда. Нарпай районида эса совет турмуш тарзи, янги урф-одат ва маросимларни тарғиб қилиш орқали диний сарқитларга қарши самарали кураш олиб борилаётир. Коммунистик эътиқодни чиниқтиришнинг таркибий қисми ҳисобланган атеистик тарбия ишлари Булунғур, Иштихон, Самарқанд, Оқдарё районларида ҳам яхши йўлга қўйилган.

Шунингдек, бу борада халқ университетлари, атеистик клублар, ёш атеистлар мактаблари самарали фаолият кўрсатаётганлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Айни пайтда областда 20 та илмий-атеизм халқ университетлари ишлаб турибди. Уларда 3 мингга яқин тингловчи актив қатнашиб, илмий-атеизм масалаларини мукаммал ўрганмоқдалар.

Ш. МАРДИЕВ,
республика илмий-атеизм уйининг Самарқанд область филиали директори.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА КЕЛГАН ХАТЛАР ИЗИДАН

Редакцияга Учкўприк матлубот жамияти раиси О. Кўқоновнинг хизмат бурчини ўташда лавозимини суиистеъмол қилаётгани баён этилган сигнал тушган эди. Хат текшириш ва чора кўриш учун **ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ**га юборилди. У ердан олинган жавобда фактларнинг асосан тасдиқланганлиги ҳамда қонун-қоидага хилоф иш тутган матлубот жамиятининг раиси О. Кўқоновга қаттиқ ҳайфсан берилиб, лавозимидан бўшатилганлиги маълум қилинган.

* * *

Советобод район Жом қишлоғида яшовчи бир гуруҳ газетхонлар район ишчилар кооперативига қарашли 20-магазин сотувчиси Н. Аликуловнинг моллар устига нарх қўйиб сотаётганидан ранжиб, редакцияга хат ёзишган эди.

Ушбу шикоят текшириш ва чора кўриш учун **СОВЕТОБОД РАЙОН ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ**га юборилди. У ердан олинган жавоб хатида таъкидланишича, фактлар асосан тасдиқланган, харидорлар ҳақига хиёнат қилиб совет савдоси қонун-қоидаларини қўпол равишда бузгани учун Н. Аликулов магазин сотувчилигидан бўшатилган.

* * *

Редакция Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги 41-уйнинг 36-квартирасида истиқомат қилувчи Х. Бўриҳўжаеванинг ҳолидиллигини тузатириш учун бир ойдан кўпроқ вақт сарфлангани, 61 сўм 95 тийин тўланганида ҳам ремонт ҳалигача ниҳоясига етмагани, «Северь» бирлашмасидаги базм раҳбар ўртоқларнинг сансалорликдан нари ўтмаётгани баён қилинган шикоят хати олган эди.

Ушбу шикоят юзасидан текшириш ўтказган **ТОШКЕНТ ШАҲАР «ТЕХСЛОЖБЫТПРИБОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ** фактларнинг тасдиқланган ҳамда Бўриҳўжеевининг асосли талаби дарҳол ва тўла қондирилгани, бундан кейин бундай ҳолларнинг такрорланмаслиги учун тегишли чора-тадбирлар белгиланганини маълум қилди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШ — УМУМХАЛҚ ИШИ

МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ ГАРОВИ

Илғари уста деҳқонлар гектаридан 500 центнердан сабзавот маҳсулотлари олишибди дейилса, ҳеч ким ишонмас эди. Эндиликда 450—500 центнерли ҳосил нормага айланиб қолди. Мисол учун уста деҳқонларимиздан Зуҳур Юсупов, Маннон Отаҳожиев, Аҳрор Эгамбердиев, Толиб Отаҳожиевлар бошчилик қилаётган бригадаларни олайлик. Бу бригадаларнинг сабзаватчилари ҳозирдаёқ гектаридан 320—330 центнердан маҳсулотлар йиғиб-териб тайёрлов ташкилотларига топширдилар, йиллик планларини эртаги ва ўртаги ҳосил ҳисобига бажардилар.

Ёки боғбон-соҳибкорларимиздан Бахтиёр Мирсоатов, Санджамол Саидкамоловларнинг меҳнат фаолиятига кўз ташлайлик. Улар янги боғларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда муттасил гектаридан 200 центнердан ортиқ мева, 250—255 центнердан узум ҳосили олмоқдалар. Шунисни ҳам эътиборга лойиқки, етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси қисқа фурсатларда йиғиб-териб олиниб, исрофгарчилик ва нобудгарчиликка йўл қўйилмаяпти, сортнинг юқори бўлишига эришиляпти.

Бундай муваффақиятнинг сири шундаки, давлатимиз сабзаватчилик-боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларига техника воситалари, ўғитларни кўпроқ етказиб бермоқда. Фан-техника ютуқлари, илғорлар тажрибаси ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий этиляпти. Шу асосда деҳқончилик маданияти юксалтирилиб, маҳсулотлар тайёрлаш ва давлатга сотиш кўпайтирилаётир, планлар ва социалистик мажбуриятлар шараф билан бажариляпти.

1982 йилда давлатга 6000 тонна сабзавот маҳсулотлари сотишимиз керак. Ўтган йили гектаридан 39 тоннадан маҳсулот олинган бўлса, бу йил ҳосилдорлик 45 тоннага кўтарилади. Ёки бошқачасига айтганда, тайёрлов ташкилотларига бултургидан 1500 тонна кўп сабзавот маҳсулотлари сотамиз.

Картошка асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан биридир. Деҳқонларимиз ерни эъзозлаш йўли билан картошка ҳосилдорлигини кўтаришни бош вазифа, деб билмоқдалар ва яхши натижаларга эришмоқдалар. Шу кунгача ҳосилдорликни кўтариш эвазига давлатга пландаги 900 тонна ўрнига 970 тонна картошка сотиб, йиллик топшириқни ортиғи билан бажардик. Лекин ҳали кечки картошка ҳосилига қўл урилгани йўқ. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу йил давлатга сотиладиган ялпи картошка миқдорини бемалол 1600 тоннага етказамиз.

Бошқа хил маҳсулотлар тайёрлаш мажбуриятлари ҳам муваффақиятли адо этиляпти. Ҳозиргача тайёрлов ташкилотларига икки ярим планга тенг мева етказиб берилди. Кўзда тутилган 400 тонна ўрнига 700 тонна юқори сорт узум топшириш ниятидамиз.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, колхозчи-деҳқонларимиз СССРнинг Озиқ-овқат программаси муддатидан илгари бажарилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўйиш учун астойдил қурашмоқдалар.

Ҳосилнинг катта қисмини йиғиштириб олдик. Лекин қолган қисмининг чўғи ҳам кам эмас. Масалан, кечки картошканинг ҳар гектаридан ўтган йилдагидан 20—25 центнер кўп хирмон кўтаришни кўзда тутяпмиз. Мева ва узум ҳосилдорлигини ҳам кескин кўтарамиз. Колхозчи-деҳқонларимиз бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Борлиқ ҳосилни тезроқ йиғиш, давлатга топшириш, сортни кўтариш уларнинг шарафли бурчига айланди.

Лекин бу борада муайян қийинчиликларга дуч келаётганимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Масалан, сабзавот йиғим-теримида ишчи кучи етишмаяпти. Район партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ялпи сафарбарлик эълон қилди. Шунга қарамай ёрдамчилар кўмагига муҳтож бўлиб қоляпмиз. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ҳамма баҳам кўради. Шундай экан, ҳозирги долзарб кунларда оталиқ, ташкилотлари, маҳалаларнинг аҳолиси биз, сабзаватчиларга ёрдам қилини чўзсалар яхши бўлар эди. Борлиқ ҳосилни тезроқ саранжомлаб олиб, Озиқ-овқат программасига янада кўпроқ улуш қўшган бўлардик.

Ҳар йили такрорланиб турадиган бир нуқсон бу йил ҳам кўзга ташланяпти. Гап шундаки, тайёрлов ташкилотлари, хусусан консерва заводлари жўнатган маҳсулотларимизни вақтида қабул қилиб ололмаяпти, транспорт воситалари узоқ вақт бекор туриб қоляпти. Оқибатда маҳсулотларнинг бир қисми исроф бўляпти, сорти ва сифатига ҳалал етяпти.

Тайёрлов, қабул қилиш, транспорт ва қайта ишлаш корхона ҳамда ташкилотларининг раҳбарлари аҳволни яхшилашга қаратилган оператив чоралар кўришлари лозим. Дала — тележка — пункт методи узлуксиз қўлланилгандагина яхши натижаларга эришилади. Вақтдан қанча ютилса, сорт ва сифатдан ҳам шунча ютилади.

Озиқ-овқат программасида чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш йўли билан аҳолининг гўшт, сут ва тухумга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш алоҳида эътибор берилган. Бу борада ҳам колхозимиз аъзолари айнан шундай қилиб, СССРнинг 60 йиллик юбилейига муносиб тўёналар тайёрлайдилар.

Ҳозирги кунда 400 центнердан сабзавот маҳсулотлари олишибди дейилса, ҳеч ким ишонмас эди. Эндиликда 450—500 центнерли ҳосил нормага айланиб қолди. Мисол учун уста деҳқонларимиздан Зуҳур Юсупов, Маннон Отаҳожиев, Аҳрор Эгамбердиев, Толиб Отаҳожиевлар бошчилик қилаётган бригадаларни олайлик. Бу бригадаларнинг сабзаватчилари ҳозирдаёқ гектаридан 320—330 центнердан маҳсулотлар йиғиб-териб тайёрлов ташкилотларига топширдилар, йиллик планларини эртаги ва ўртаги ҳосил ҳисобига бажардилар.

Ёки боғбон-соҳибкорларимиздан Бахтиёр Мирсоатов, Санджамол Саидкамоловларнинг меҳнат фаолиятига кўз ташлайлик. Улар янги боғларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда муттасил гектаридан 200 центнердан ортиқ мева, 250—255 центнердан узум ҳосили олмоқдалар. Шунисни ҳам эътиборга лойиқки, етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси қисқа фурсатларда йиғиб-териб олиниб, исрофгарчилик ва нобудгарчиликка йўл қўйилмаяпти, сортнинг юқори бўлишига эришиляпти.

Бундай муваффақиятнинг сири шундаки, давлатимиз сабзаватчилик-боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларига техника воситалари, ўғитларни кўпроқ етказиб бермоқда. Фан-техника ютуқлари, илғорлар тажрибаси ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий этиляпти. Шу асосда деҳқончилик маданияти юксалтирилиб, маҳсулотлар тайёрлаш ва давлатга сотиш кўпайтирилаётир, планлар ва социалистик мажбуриятлар шараф билан бажариляпти.

1982 йилда давлатга 6000 тонна сабзавот маҳсулотлари сотишимиз керак. Ўтган йили гектаридан 39 тоннадан маҳсулот олинган бўлса, бу йил ҳосилдорлик 45 тоннага кўтарилади. Ёки бошқачасига айтганда, тайёрлов ташкилотларига бултургидан 1500 тонна кўп сабзавот маҳсулотлари сотамиз.

Картошка асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан биридир. Деҳқонларимиз ерни эъзозлаш йўли билан картошка ҳосилдорлигини кўтаришни бош вазифа, деб билмоқдалар ва яхши натижаларга эришмоқдалар. Шу кунгача ҳосилдорликни кўтариш эвазига давлатга пландаги 900 тонна ўрнига 970 тонна картошка сотиб, йиллик топшириқни ортиғи билан бажардик. Лекин ҳали кечки картошка ҳосилига қўл урилгани йўқ. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу йил давлатга сотиладиган ялпи картошка миқдорини бемалол 1600 тоннага етказамиз.

Бошқа хил маҳсулотлар тайёрлаш мажбуриятлари ҳам муваффақиятли адо этиляпти. Ҳозиргача тайёрлов ташкилотларига икки ярим планга тенг мева етказиб берилди. Кўзда тутилган 400 тонна ўрнига 700 тонна юқори сорт узум топшириш ниятидамиз.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, колхозчи-деҳқонларимиз СССРнинг Озиқ-овқат программаси муддатидан илгари бажарилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўйиш учун астойдил қурашмоқдалар.

Ҳосилнинг катта қисмини йиғиштириб олдик. Лекин қолган қисмининг чўғи ҳам кам эмас. Масалан, кечки картошканинг ҳар гектаридан ўтган йилдагидан 20—25 центнер кўп хирмон кўтаришни кўзда тутяпмиз. Мева ва узум ҳосилдорлигини ҳам кескин кўтарамиз. Колхозчи-деҳқонларимиз бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Борлиқ ҳосилни тезроқ йиғиш, давлатга топшириш, сортни кўтариш уларнинг шарафли бурчига айланди.

Лекин бу борада муайян қийинчиликларга дуч келаётганимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Масалан, сабзавот йиғим-теримида ишчи кучи етишмаяпти. Район партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ялпи сафарбарлик эълон қилди. Шунга қарамай ёрдамчилар кўмагига муҳтож бўлиб қоляпмиз. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ҳамма баҳам кўради. Шундай экан, ҳозирги долзарб кунларда оталиқ, ташкилотлари, маҳалаларнинг аҳолиси биз, сабзаватчиларга ёрдам қилини чўзсалар яхши бўлар эди. Борлиқ ҳосилни тезроқ саранжомлаб олиб, Озиқ-овқат программасига янада кўпроқ улуш қўшган бўлардик.

Ҳар йили такрорланиб турадиган бир нуқсон бу йил ҳам кўзга ташланяпти. Гап шундаки, тайёрлов ташкилотлари, хусусан консерва заводлари жўнатган маҳсулотларимизни вақтида қабул қилиб ололмаяпти, транспорт воситалари узоқ вақт бекор туриб қоляпти. Оқибатда маҳсулотларнинг бир қисми исроф бўляпти, сорти ва сифатига ҳалал етяпти.

Тайёрлов, қабул қилиш, транспорт ва қайта ишлаш корхона ҳамда ташкилотларининг раҳбарлари аҳволни яхшилашга қаратилган оператив чоралар кўришлари лозим. Дала — тележка — пункт методи узлуксиз қўлланилгандагина яхши натижаларга эришилади. Вақтдан қанча ютилса, сорт ва сифатдан ҳам шунча ютилади.

Озиқ-овқат программасида чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш йўли билан аҳолининг гўшт, сут ва тухумга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш алоҳида эътибор берилган. Бу борада ҳам колхозимиз аъзолари айнан шундай қилиб, СССРнинг 60 йиллик юбилейига муносиб тўёналар тайёрлайдилар.

Қ. УМАРОВ,

Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозининг раиси.

«Бутун ҳосилни йиғайлик, асрайлик, қайта ишлайлик!» Республикамиз илғор бригада бошлиқларининг бу шиори Фарғона областида умумхалқ ҳаракатига айланган. Ноз-неъмат бунёдкорлари пешана тери эвазига етиштирилган ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олиб, эл дастурхонига пешма-неш етказиб бермоқдалар. Суратларда: (чапда) Риштон районидаги «Сўх» совхозининг ёш боғбонлари Заҳрихон Кимсанова ва Адолат Ашуралиевалар. Улар шафтолини шаҳарликлар дастурхонига жўнатишга ҳозирлашмоқда. Ўнгда эса сабзавот карвонлари.

Ш. Алимов фотолари. (ЎзТАГ).

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОФИЯДАГИ ТАНТАНАЛАР

СОФИЯ, 8 сентябрь. (ТАСС). Болгариянинг миллий байрами — социалистик революциянинг 38 йиллиги муносабати билан бугун Софияда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков, республиканинг бошқа раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Йиғилишда доклад қилган БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри П. Младенов бундай деб таъкидлади: Болгар халқи ўз байрами кунида халқларни ва дунёни фашизмнинг машъум босқинидан халос қилган ва Болгариядаги социалистик революциянинг галабасига ҳал қилувчи ёрдам берган Совет Иттифоқига ва унинг тилларда достон бўлган армиясига яна бир бор чуқур ташаккур ва сидқидилдан қардошлик меҳр-муҳаббатини изҳор этади.

Жаҳон тараққийпарвар жамоатчилиги деди у, замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби, ялпи тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун толмас курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев баён этган бир қанча муҳим тинчлик таклифлари ва ташаббусларини завқ-шавқ билан қутиб олди. Совет Иттифоқининг ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисидаги мажбурияти ер юзидаги кишиларнинг онги ва қалбига беиҳоя зўр таъсир қилди. Ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар ҳам шундай мажбурият олсалар ядро уруши хавфини реал равишда тугатиш сари ҳал қилувчи қадам қўйилиши ҳар бир сергак фикрли сиёсат ва давлат арбобига, ҳар бир кишига равшан.

9 сентябрь революциясидан кейин, деди сўзини давом эттириб докладчи, Болгарияда чуқур сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар содир бўлди. Ҳозир республика саноати уч кундан камроқ вақт ичида урушдан аввалги бутун 1939 йилда ишлаб чиқарилган миқдордаги маҳсулотни бермоқда. Халқ хўжалиги тармоқларининг гоят тез ривожланиши халқнинг турмуш даражасини узлуксиз оширишни учун мустаҳкам негиз яратди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан, Советлар мамлакати билан, совет халқи билан қардошлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва улар билан яқинлашиш ташқи сиёсий фаолиятимизнинг тамал тошидир, деб таъкидлади докладчи.

Социалистик ҳамдўстликнинг таркибий қисми бўлган БХР унинг сиёсий бирлигини мустаҳкамлашга, Варшава шартномаси ташкилотининг мудофаа қобилиятини оширишга бундан буён ҳам фаол ҳисса қўшаверади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ҳам, шунингдек икки томонлама асосда ҳам социалистик интеграция жараёнларини ривожлантириб, такомиллаштираверади.

* * *

Шу куни бу ерда Г. Димитров Мавзолейига гулчамбарлар қўйиш маросими бўлди. Ҳалоскор Совет Армияси шарафига ўрнатилган монументга, Ватанни озод қилиш учун курашда ҳалок бўлганларнинг қабрига ва Ноъмалум солдат қабрига ҳам гулчамбарлар қўйилди.

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ, 8 сентябрь. (ТАСС). Ливан парламенти раисининг ўринбосари Мунир Абу Фадел Ливан бутун территориясидан Исроил оккупацияси қўшинлари дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетилишини талаб қилди. У бу ерда берган баёнотида Тель-Авив агрессиясининг асосий мақсади — Ливан устидан Исроилнинг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлигини ўрнатишдан иборатдир, деб таъкидлади. Шунинг учун ҳам Исроил ҳуқумати ҳозир Ливан билан сепарат «сулҳ шартномаси» тузилишига зўр бериб уринмоқда ва мамлакатимизга ўзининг молларини ёғдириб, агрессия шусиз ҳам хонавайрон қилган миллий экономикани қўпораётганлиги тасодифий ҳол эмас, деб уқтирди у. М. Абу Фадел «қўшинлари еримизга бостириб кирган, Байрутни вайрон қилган ва минглаб тинч гражданларни ўлдирган» Исроил билан бирон бир шартнома тузилишига йўл қўйиб бўлмайди, деди.

Бу орада исроилликлар Ғарбий Байрутда ҳамон позицияларни ишғол этиб турибдилар. Улар Ливан пойтахтидаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида илгари эришилган аҳдлашувларни бузиб, шу позицияларга жилдилар. Ливан хавфсизлик кучлари Ғарбий Байрутдаги асосий пунктлар устидан контроль ўрнатганликларига қарамай, босқинчилар шаҳарнинг шу қисмини қамал қилиб туришни тўхтатмаяптилар ва у ердан ўз қўшинларини олиб кетишни хаёлларига ҳам келтирмаяптилар.

Босқинчилар мамлакатнинг шарқида Бекаа водийсида бўлган Ливанда тинчликни сақлаб турувчи араб мамлакатларидаги кучлар составидаги Сурия бўлинмаларига қарши бир қанча қуролли игвогарликлар қилдилар — уларни ўққа тутдилар. Тель-Авивнинг игвогарликлари натижасида (у кейинги кунларда бу районга янги мадад кучларини ташлади) у ерда ниҳоятда кескин вазият вужудга келди. Шу муносабат билан маҳаллий қўзғатувчилар агрессор Ливанда янги ҳарбий авантюра бошлаши мумкин, демоқдалар.

Исроилнинг мудофаа министри Шарон Тель-Авивнинг Ливанга нисбатан босқинчилик режаларини таъкидлади. У кнессет (парламент)нинг бугун очилган мажлисида гапириб, исроилликлар бу мамлакатнинг жанубида «оралик зона» вужудга келтириб, унда амалда батамом назорат ўрнатадилар, деди. Исроилнинг Ливан ва Фаластин халқларига қарши ваҳшиёна агрессиясини ташкил этувчилардан бири суверен араб давлати шаънига биринчи марта пўписа қилаётгани йўқ. Бундан бир неча кун аввал у башарти Ливан Тель-Авив билан сепарат сулҳ шартномасини тузмас экан, мамлакат жанубида «махсус статус» жорий этилиб, мамлакатнинг бу қисми марказий Ливан ҳукумати тасарруфидан чиқиб кетади, деб дўқ қилган эди.

ШОНЛИ САНА

ПХЕНЬЯН, 8 сентябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Корея Халқ Демократик Республикаси ташкил топган кунининг 34 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда Корея меҳнат партияси ва КХДР ҳукуматининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

КМП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КХДР вице-президенти Пак Сен Чер ўз докладида КХДРнинг ташкил топиши корейс халқининг миллий мустақиллик йўлидаги курашида буюк воқеа бўлганини уқтирди ўтди. У республика меҳнаткашларининг социализм қурилишида эришган каттакатта муваффақиятларини қайд этди.

Докладчи Кореяни бирлаштириш проблемасига тўхталиб, шу мақсадга эришиш учун энг муҳим шарт — Жанубий Кореядаги Америка қўшинларини чиқартириб юбориш ва АҚШнинг Корея ишларига империалистларча аралашувига чек қўйиш эканлигини айтди.

КХДР ҳукумати билан корейс халқи, деб таъкидлади у, социалистик ва қўшилмаган мамлакатларнинг халқлари билан мустаҳкам бирликда империалистларнинг агрессия ва уруш сиёсатига қарши, мустақиллик, дўстлик ва тинчлик идеаллари учун курашни янада активроқ авж олдириб юбордилар.

НАЛАЙХА — КОНЧИЛАР ШАҲРИ

Шу кунларда Монголия пойтахти яқинида жойлашган Налайха кўчалари ва майдонлари байрам транспарантлари ва байроқлари билан безатилди. Республикадаги ана шу шаҳтёрлар марказининг аҳолиси ўз жонажон шаҳрининг 20 йиллигини нишонламоқда. Ўтган йиллар мобайнида Налайха кичик кончилар посёлкасидан шинам уй-жойлари ва хиёбонлари, завод ва фабрикалари бўлган замонавий шаҳарга айланди.

ХКПнинг XII съездида

ПЕКИН, 8 сентябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг ХКП Марказий Комитети Расининг ўринбосари Дэн Сяопинининг ХКП XII съезди очилиши вақтида сўзлаган нутқи тўғрисидаги хабарни тарқатди: Бу съезд, деб таъкидлади у, партия VII съезди ўтказилган пайтдан бери энг муҳим анжуманидир. Дэн Сяопин «80 йилларда Хитой халқи олдида турган»: «Социалистик модернизациялашни жадаллаштириш, ватанни, шу жумладан Тайванни бирлаштириш учун кураш, гегемонизмга қарши, бутун дунёда тинчликни сақлаш учун кураш»дан иборат учта асосий вазифани таърифлаб берди. «Иқтисодий қурилиш мана шу ҳамма вазифаларнинг асосидир, чунки бу иш Хитойнинг ташқи ва ички муаммоларини ҳал этиш учун негиздир», деб уқтирди у.

Ўтказилаётган XII съездда ХКП Марказий Комитетининг Раиси Ху Яобан ХКП Марказий Комитети номидан ҳисобот доклади қилди. Синьхуа тарқатган докладнинг баёнида кейинги йиллар Хитой Коммунистик партияси учун «Бурилиш йиллари» деб таърифланади. Бу «бурилиш» 1976 йил октябрида ва партия Марказий Комитетининг 1978 йил декабрида бўлиб ўтган III пленумида Цзян Цзинни «контрреволюцион гуруҳи» тор-мор этилганлиги билан боғланади.

Ўша пленумда ХКПнинг ички ва халқаро сиёсати соҳасида Дэн Сяопин йўли қабул қилинганлиги маълум.

Шу йиллар ичида, деди докладчи, «идеология соҳасида кўп йиллик догматизм ва шахсга сиғинишнинг оғир занжирлари парчалаб» ташланди; «Узоқ давом этган социал бошбошдоқликка чек қўйилди», «барча погоналардаги партия ва давлат раҳбарлик состави созланди, тартибга солинди ва кучайтирилди», «иқтисодий ишдаги сўлчилик хатолари тугатила бошланди».

«Ҳозирги вақтда, — деди Ху Яобан, — халқ хўжалигимиз ўзи учун энг қийин даврдан ўтиб, муттасил ва соғлом ривожланиш йўлига чиқиб олди». Модернизацияланган мунтазам армияни қуриш соҳасида жуда катта куч-ғайрат сарфланди, деди у. «Биз босиб ўтган йўл, — деди сўзини давом эттириб докладчи, — теп-текис йўл бўлмади. Ўн йиллик ички бошбошдоқлик партия билан мамлакатга ҳаддан ташқари қаттиқ жароҳатлар етказди. «Маданий революция» давридаги ва ундан аввалги даврдаги сўлчилик хатоларининг таъсири жуда чуқур ва кенгдир. Бу хатолар гоят жиддий зиён келтирди».

ХКП Марказий Комитети, дейилади докладда, «кўп йиллик сўлчилик хатоларини», шунингдек Мао Цзэдун ўз умрининг сўнгги йилларида йўл қўйган хатоларни таҳлил этиб, танқид қилди, «Мао Цзедун гоялларининг ҳақиқий қиёфасини тиклади» ва «Мао Цзэдунинг тарихдаги ўрни»ни белгилаб берди. «Маданий революция чоғида пролетариат диктатураси шароитида революциянинг давом этиши» тўғрисида илгари сурилган ҳато назария системали равишда фош қилинди. Ху Яобан Хитойда социалистик принципларни қўпоришга уринувчи душман унсурлар борлигини уқтириб, «Эксплуататорлар синфи тугатилганидан кейин Хитой жамиятидаги зиддиятларнинг кўпчилиги синфий кураш характерини тарк этди ва шу сабабли синфий кураш ижтимоий турмушнинг асосий зиддияти бўлмай қолди».

Ҳисобот докладининг анчагина қисми экономика масалаларига бағишланди. III пленумдан кейин, деди докладчи, ХКП Марказий Комитети аввало, «қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда кўп йиллар давомида ҳукм суриб келган сўлчилик хатоларини тугатиш билан шуғулланди». Енгил саноат билан оғир саноат ўртасидаги номутаносибликка барҳам берилди, жамғарма билан истеъмол ўртасидаги нисбат ўзгартирилди; ҳаддан ташқари йирик капитал қурилиш ҳажми қисқартирилди. «Халқ ўсиб бораётган моддий ва маданият эҳтиёжларини доимо қондириш — социалистик ишлаб чиқариш ва қурилишнинг асосий мақсадидир», деди у.

ХКП Марказий Комитетининг Раиси ХХР экономикасини ривожлантириш истиқболларига тўхталиб, «яқин 20 йил мобайнида Хитой мамлакат йиллик саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни тўрт баравар кўпайтириш учун катта куч-ғайрат сарфлайди», деб айтди. «Шу мақсадга эришгач, — деди сўзини давом эттириб Ху Яобан, — мамлакатимиз миллий даромад ҳажми ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг асосий турларини ялпи ишлаб чиқариш жиҳатидан дунё мамлакатларининг биринчи safларига кириб олади. Халқнинг моддий ва маданий турмуш даражаси дунёдаги тўртинчи даражага етади. Мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати ҳозирги даражага нисбатан анча ортади».

Докладчининг фикрича, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида чет эллар билан алоқани ривожлантириш ва чет мамлакатлар билан техникавий, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш Хитойнинг мустаҳкам стратегик йўлини акс эттиради. Жалб этиш мумкин бўлган ажнабий капитални қурилиш эҳтиёжларига имкони борича кўпроқ жалб қилиш керак, деб уқтирди у. Шу билан бирга Ху Яобан «буржуа идеологиясининг бузғунчилик таъсиридан эҳтиёт бўлиш ва унинг олдини олиш, чет элларга сажда қилишнинг ҳар қандай кўринишларига қарши чиқиш» кераклигини айтди.

Ху Яобан ХКП қайта кўриб чиққан уставнинг партия XII съезди муҳокамасига тақдим этилган лойиҳасига тўхталиб, унга «кўпгина туб ўзгартишлар киритилди», «сўлчилик йўлидаги хатолар тугатилди», деб айтди.

Партия аъзоларига ва партия ходимларига нисбатан, деб таъкидлади Ху Яобан, ХКПнинг аввалги ҳамма уставларига қараганда «анча қатъий идеологик, сиёсий ва ташкилий талаблар қўйилади». Янги устав лойиҳасида, деб таъкидлади докладчи, «партия ҳар қандай шахсга сиғиниш тақиқлайди» дейилади. Янги уставга биноан ХКПда ХКП Марказий Комитетининг Раиси лавозими тугатилади, бундан буён «фақат ХКП Марказий Комитетининг Бош секретари» бўлади.

Ху Яобан ХКПдаги ҳозирги аҳволни таъриф лаб берди, ҳали «ўн йил мобайнида давом этган ички суронли ларзаларнинг ҳалокатли таъсири тугатилгани йўқ», «янги шароитда эксплуататор синф идеологиясининг бузғунчилик таъсири бирмунча ошди», деб тан олди. «Партиянинг иш услубини тузатиш» вазифаси қўйилди, «раҳбар органларни мустаҳкамлаш», шунингдек «партия ҳамма аъзоларини қайта рўйхатга олиш» белгиланди, шу тадбир натижасида «партияга аъзо бўлиш талабларига муносиб бўлмаган кишилар партиядан чиқарилади ёки уларнинг партиядан чиқиб кетишлари илтимос қилинади».

Докладнинг ташқи сиёсат бўлимида ХКП Марказий Комитетининг Раиси Хитой «мустақил ташқи сиёсат йўлидан боради» деб айтди. У «Хитой — Совет муносабатлари нормаллашув сари бориши мумкин»лиги эҳтимолдан ҳоли эмаслигини айтди.

Докладчи «Хитойнинг сезишича, Совет раҳбарлари Хитой билан муносабатларни яхшилаш истагини бир неча бор изҳор қилдилар», деб айтди ва шу билан бирга «сўз эмас, балки иш муҳимдир» деди.

Докладчи Хитой ўзининг халқаро сиёсатида «гегемонияга интилмайди», ялпи тинчликни таъминлаш ва ҳимоя қилиш ишига содиқ бўлиб қолади, деган тезисни асосларга катта ўрин берди.

Докладда Хитой — Япония ва Хитой — Америка муносабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш умиди изҳор этилди. Американинг Тайванни «мустақил давлат бирлиги», деб билиб, унга шу нуқтаи назардан ёндашиш сиёсати ХХРнинг АҚШ билан муносабатларини «хиралаштирмоқда», деб қайд этилди.

«Учинчи дунё мамлакатлари билан Хитойнинг «тақдири муштараклиги» таъкидлаб ўтилди, улар билан бирликда «империализмга, гегемонизмга ва мустамлакачиликка қарши кескин кураш» олиб боришга тайёрлигик эълон қилинди.

Синхуа агентлигининг хабар қилишича, съезд 6 сентябрь куни Хитой Коммунистик партиясининг янги уставини қабул этди.

ТЎҚАЙЛАРДА БОҒЛАР

Қорақалпоғистон ўрмончилари Нукус консерва заводига қайта ишлаш учун тўрт юз тонна мева топширишди. Бу мевалар ўрмонлар четида барпо этилган боғлардан терib олинди.

Тўқайлардаги мевали боғларнинг майдони ҳозирги кунда 260 гектарга етди. Ўрмончилар дарахтларнинг қатор ораларига экилган қовун, тарвуз ва қовоқдан тўрт юз тоннадан ортиқ ҳосил йиғиштириб олдилар. Шу ернинг ўзидаёқ асалари қутилари жойлаштирилди. Асалнинг дастлабки центнерлари автоном республиканинг болалар боғчаларига жўнатилди.

Ўрмон боғдорчилиги — чўл зонасини қайтадан тиклаш катта программасининг бир қисмидир. Яқин йиллар мобайнида тўқайлардаги боғларнинг майдонини минг гектарга етказиш мўлжалланган. Бу ерда кўчатзор барпо этилади.

СОВХОЗДА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ЛИНИЯ

Қашқадарёдаги ихтисослашган «Аврора» совхозида полиз экинлари ва бодринг уруғини қайта ишлаш ва тозалаш учун янги механизациялашган линия ишга туширилди. Бу линия эллик кишининг меҳнатини енгиллаштиради. Қовун-тарвуз, бодринг пўчоқлари чорва молларининг озуқа рационига қўшилмоқда. Линия ҳар соатда олтмиш тоннага яқин маҳсулотни қайта ишлайди.

Келгуси йилда республика «Сортсемовощ» бирлашмасининг уруғчилик хўжаликларида яна олтита шундай линияни ўрнатиш кўзда тутилган.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

ОЛТИАРИҚ. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан). Район деҳқонлари давлатга мева, сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари сотиш бўйича юбилей йили планини муддатидан илгари адо этдилар. Эл дастурхонига пландаги 12426 тонна ўрнига 13459 тонна сабзавот, 2470 тонна ўрнига 3110 тонна хўл мева, 1140 тонна ўрнига 1145 тонна узум, 2862 тонна ўрнига 3243 тонна полиз маҳсулотлари етказиб берилди.

Деҳқончиликда бой тажриба тўплаган райондаги «Ленинград», «Ленинизм», «Москва» колхозлари барча соҳалар бўйича планларини ортиғи билан бажариб, муваффақиятга муносиб ҳисса қўшдилар.

Район далаларида ҳосил сероб йиғим-терим қизғин давом эттирилмоқда. Миришкорлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, планга қўшимча яна 800 тонна сабзавот, 300 тонна узум, 200 тонна хўл мева сотиш мажбуриятини олдилар.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЗҒИН

Учқўрғон районидаги «Ҳурмат Белгиси» орденли Ленин номли совхозда муҳим агротехник тадбир — дефолиацияни ўз вақтида сифатли ўтказишга катта эътибор берилляпти. Совхоз пахтакорлари бу йил гўза баргини сунъий туширишни ОВХ механизмлари воситасида амалга оширишмоқда. Р. Тиллабоева, А. Отабоев каби механизаторлар бу ишда кўпчилик ҳамкасбларига ибрат кўрсатишаётир.

Поп районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг А. Арислонов бошлиқ бригадаси далаларида эса гўзаларнинг баргини сунъий тўктириш тугалланди. Колхознинг бошқа бригадаларида эса бу иш жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Район пахтазорларини дефолиация қилишда Наманган авиакорхонасининг Б. Йўлдошев, С. Баладин, Р. Алимбековдан иборат АН-2 самолёти экипажи аъзолари яхши ишлаяпти.

Ҳозирги муҳим долзарб кунларда ўзбекистонлик авиаторларга қардош россиялик учувчилар ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда.

— Авиакорхонамиз Наманган область «Сельхозхимия»сининг бирлашмаси билан ўзаро ҳамкорлик бўйича меҳнат шартномаси тузган, — дейди Меҳнат Қизил Байроқ орденли Приволжск граждан авиацияси бошқармаси бўлинма командирининг ўринбосари Фадор Михайлович Редин, — шунга кўра биз область хўжаликларида дефолиацияни қисқа агротехника муддатларида сифатли қилиб ўтказамиз. Б. Орлов, А. Карпенко сингари тажрибали учувчиларимиз унумли меҳнат қилишмоқда.

Бу йил Наманган областида 110 мнг гектар ердаги гўза дефолиация қилинади. Бу иш билан 40 та граждан авиацияси самолётлари, 470 дан зиёд ОВХ механизмларидан фойдаланилмоқда. Областда дефолиация ишлари яқин 2—3 кун ичида тугалланади.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БУГУН РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА «ТОШКЕНТНИНГ ОЛТИН КУЗИ» БУТУНИТТИФОҚ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНАДИ

«Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивалига Тожикистон ССРдан машҳур ҳонанда СССР халқ артисти Жўрабек Муродов бошчилигидаги бир гуруҳ истеъдодли санъаткорлар келишган. Улар санъат байрамида намойиш этгани куй ва қўшиқлардан, рақслардан иборат ажойиб гулдаста ҳозирлаб келдилар. Суратда: тожикистонлик санъаткорлар.

А. Тўраев фотоси.

ҚАРДОШЛИК ВА САНЪАТ БАЙРАМИ

Мана, бир неча кундирки, тошкентлик санъаткорлар, ишчилар азиз меҳмонларни — «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивалида иштирок этадиган таниқли санъаткорларни, санъат коллективларини гулдасталар билан кутиб олмоқда. Бугун Владимир Ильич Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида ана шу санъат байрами тантанали равишда очилади. Унда бепоён мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган совет санъати намояндалари, машҳур санъат коллективлари иштирок этади, улар ўзларининг бетакрор санъатларини намойиш этишади. Мамлакатимизнинг шонли юбилейи — СССР ташкил этилганлигининг қутлуғ 60 йиллиги олдидан ўтказилаётган бу санъат фестивали бир неча кун мобайнида республикамизда давом этади. Қўёшли диёримиз меҳнаткашлари совет санъатининг таниқли намояндалари — СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати Анатолий Соловьяненко, СССР халқ артистлари Зайнаб Хонларова, Юрий Гуляев, Мая Шоҳбердиева, Жўрабек Муродовлар иҳросидаги ажойиб куй ва қўшиқлардан баҳраманд бўладилар.

«Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали ҳақиқатан ҳам саховатли диёримизда беқиёс ноз-неъматлар етиштирилган бир паллада ўтади. Ўзбекистон пахтакорлари самараси меҳнатлари эвазига етиштирган мўл-кўл «оқ олтин»ни йиғиб-териб олмоқдалар. Республикамизда Озиқ-овқат программасини амалга ошириш йўлида қизғин ва фидокорона, улуғвор ишлар қилинмоқда. Шуниси қувончлики, «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали қатнашчилари бир неча кун давомида республикамизда областларида: пахтакорлар ва чорвадорлар, ишчилар ва қурувчилар меҳмони бўлишади. Белоруссия ССР давлат халқ хори Андижонда, Молдавия ССР «Фольклор» давлат телевидение ва радио халқ музикаси оркестри Хоразмда, Литва ССР «Летува» давлат қўшиқ ва рақс академик ансамбли Сирдарёда, Қозоғистон ССР давлат қўшиқ ва рақс ансамбли Фарғонада, Грузия ССР «Рустави» давлат қўшиқ ва рақс ансамбли Жиззахда, Латвия ССР «Дайле» давлат рақс ансамбли Навоийда, Арманистон ССР давлат халқ рақс ансамбли Қорақалпоғистон АССРда, шунингдек, Красноярск давлат Сибирь рақс ансамбли, Киев давлат филармонияси оркестри «Днепрянка», бандурист қизлар триоси, Қирғизистон ССР давлат халқ рақс ансамбли, Эстония ССР давлат камер хори республикамизнинг бошқа областларида бўлиб, ўзларининг ажойиб санъатларини намойиш этадилар.

Ўлмас УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон ССР Маданият министрининг биринчи ўринбосари

Тошкент трактор заводида, Тўқимачилик комбинатида, Андижон сув омборида, Навоий химия комбинатида, Олмалиқда, Чирчиқда, колхоз ва совхозларда санъаткорлар билан мароқли учрашувлар ўтказиш режалаштирилган. Бу ижодий учрашувларда совет санъатининг таниқли намояндалари ўз ижодий режалари ҳақида, ССР Иттифоқининг қутлуғ 60 йиллик тўйига ҳозирлаётган муносиб армуғонлари ҳақида гапирса, ишчилар, колхозчилар КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, халқ хўжалигининг турли соҳасида қўлга киритаётган улкан меҳнат зафарлари ҳақида, ўзларининг фаровон турмушлари, орзу-ўйлари, интилишлари ҳақида ҳикоя, қиладилар. Ҳар бир учрашув рангбаранг, сермазмун куй ва қўшиқларга бой бўлиши табиийдир. Бу учрашувлар, бу санъат фестивали улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш йўлида катта жасорат билан меҳнат қилаётган пахтакорларимизни меҳнат зафарлари сари ундашга шубҳа қилмаймиз.

Қўёшли республикамиз пойтахтида «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали биринчи маротаба ўтказилиши. Унда минг-ларга яқин истеъдодли санъаткорлар иштирок этади. Фестиваль 20 сентябргача давом этади. Фестивалнинг Владимир Ильич Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида очилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Бу — совет халқлари бузилмас дўстлигининг, қардошлигининг ажойиб байрамидир. «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали бундан кейин ҳар йили анъанавий тарзда республикамиз пойтахтида ўтказилиб турилади. Шубҳа йўқки, у санъатсевар халқимизнинг энг ардоқли байрамларидан бирига айланиб қолади.

Бизнинг суҳбат

ЖАННАТМАКОН ДИЁР

Бундан ўн етти йил муқаддам Шарқнинг бу кўҳна, жозибали, кўркам шаҳарида бўлган эдим. Шундан буён жуда кўп нарсалар ўзгарибди. Тошкент тамомила янгича қиёфа касб этибди. Тошкент метрополитени, муҳташам «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, ажойиб хиёбонлар ва айниқса Владимир Ильич Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи шаҳар кўркига кўрк, ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Бугунги кунда Тошкент энг йирик халқаро анжуманлар ўтказиладиган донгдор шаҳарга айланибди. Уч қитъа мамлакатлари кинофестивалларни, ёзувчиларнинг, олимларнинг халқаро анжуманлари бежиз қуёшли Ўзбекистоннинг пойтахтида ўтказилмайди. Ўзбек халқи ўзининг меҳмондўстлиги билан дунёга танилган халқ. Биз мана бир неча кундирки, Тошкент билан танишмоқдамиз. Куни кеча «Гидропроект» институтида бўлдик. Институт ходимлари фаолияти билан яқиндан танишдик. Айни чоғда уларга катта концерт намойиш этдик. Бу учрашувимиз жуда мароқли бўлди.

Бугун Ўзбекистон пойтахтида «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали тантанали равишда очилади. Бу санъат байрамини пойтахт меҳнаткашлари биз — санъаткорлар каби шод-хуррамлик, хушнудлик билан кутганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Шуниси диққатга сазоворки, Бутуниттифоқ санъат фестивали СССРнинг 60 йиллиги кенг нишонланадиган йилда ўтмоқда. Шу маънода бу фестиваль катта аҳамият касб этади, яъни фестивалда қардош республикалардан келган санъат коллективлари ҳам, таниқли санъаткорлар ҳам гуллаб-яшнаётган миллий маданиятларнинг камолотларини намойиш этадилар. Бизнинг Киев давлат филармонияси оркестри ҳам «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивалига қизғин ҳозирлик кўриб келди. Ўйлаймизки, оркестримиз санъаткорлари тортиқ этган асарлар санъатсевар ўзбек халқига манзур бўлади.

Анатолий СОЛОВЬЯНЕНКО,
СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати

«Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали ҳақиқатан ҳам саховатли диёримизда беқиёс ноз-неъматлар етиштирилган бир паллада ўтади. Ўзбекистон пахтакорлари самараси меҳнатлари эвазига етиштирган мўл-кўл «оқ олтин»ни йиғиб-териб олмоқдалар. Республикамизда Озиқ-овқат программасини амалга ошириш йўлида қизғин ва фидокорона, улуғвор ишлар қилинмоқда. Шуниси қувончлики, «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали қатнашчилари бир неча кун давомида республикамизда областларида: пахтакорлар ва чорвадорлар, ишчилар ва қурувчилар меҳмони бўлишади. Белоруссия ССР давлат халқ хори Андижонда, Молдавия ССР «Фольклор» давлат телевидение ва радио халқ музикаси оркестри Хоразмда, Литва ССР «Летува» давлат қўшиқ ва рақс академик ансамбли Сирдарёда, Қозоғистон ССР давлат қўшиқ ва рақс ансамбли Фарғонада, Грузия ССР «Рустави» давлат қўшиқ ва рақс ансамбли Жиззахда, Латвия ССР «Дайле» давлат рақс ансамбли Навоийда, Арманистон ССР давлат халқ рақс ансамбли Қорақалпоғистон АССРда, шунингдек, Красноярск давлат Сибирь рақс ансамбли, Киев давлат филармонияси оркестри «Днепрянка», бандурист қизлар триоси, Қирғизистон ССР давлат халқ рақс ансамбли, Эстония ССР давлат камер хори республикамизнинг бошқа областларида бўлиб, ўзларининг ажойиб санъатларини намойиш этадилар.

Тошкент трактор заводида, Тўқимачилик комбинатида, Андижон сув омборида, Навоий химия комбинатида, Олмалиқда, Чирчиқда, колхоз ва совхозларда санъаткорлар билан мароқли учрашувлар ўтказиш режалаштирилган. Бу ижодий учрашувларда совет санъатининг таниқли намояндалари ўз ижодий режалари ҳақида, ССР Иттифоқининг қутлуғ 60 йиллик тўйига ҳозирлаётган муносиб армуғонлари ҳақида гапирса, ишчилар, колхозчилар КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, халқ хўжалигининг турли соҳасида қўлга киритаётган улкан меҳнат зафарлари ҳақида, ўзларининг фаровон турмушлари, орзу-ўйлари, интилишлари ҳақида ҳикоя, қиладилар. Ҳар бир учрашув рангбаранг, сермазмун куй ва қўшиқларга бой бўлиши табиийдир. Бу учрашувлар, бу санъат фестивали улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган пахтакорларнинг улуғвор ишлари билан, ҳаётлари билан танишадилар. Ишчилар, чўпонлар, зиёлилар билан бўладиган учрашувларимиз янгидан-янги ижодий режалар туғдиришига аминман «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивалида қатор қўшиқ ва рақс ансамблари, ижодий коллективлар, ҳамда СССР халқ артистлари З. Хонларова, Ю. Гуляев, Ж. Муродов, М. Шоҳбердиеваларнинг иштирок этаётганлиги кувончли, албатта. Чунки бир-бирларимизнинг санъатларимиздан баҳраманд бўламиз, тажриба алмашамиз, бу эса кўп миллатли санъатимиз равнақида муҳим аҳамият касб этади.

«Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали маданий ҳаётимизда ёрқин бир саҳифа бўлиб қолади.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

БАҲСЛАР ВА ҒОЛИБЛАР

● ШАХМАТ. Москвада жаҳон шахмат тожи учун зонаararo турнир бошланди. Иккинчи тур ўйинларидан кейин М. Таль 2 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Г. Каспаров ҳисобидаги очколар 1,5 тага етди.

● ФУТБОЛ. Олий лига командалари ўртасида 25-тур ўйинлари ўтказилди: «Динамо» (Мн) — ЦСКА — 1:1, «Динамо» (Тб) — «Металлист» — 1:0, «Черноморец» — «Шахтёр» — 2:0, «Динамо» (К) — «Кубань» — 3:0, «Зенит» — «Торпедо» (М) — 4:2, «Арарат» — «Днепр» — 1:3. Минск динамочилари 32 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Тбилиси динамочилари билан спартакчилар 30 ва 29 тадан очко тўплаган ҳолда 2—3 ўринларни эгаллаб туришибди.

ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ ҲАЁТИДАН

ЧАВАНДОЗ

Ғовлар сари от солган чавандоз кутилмаганда ҳадиксираб, аргумоғини ҳуркитиб қўйди. У барча тўсиқлардан бир текисда ўтиб, сўнггисига келганда жиловни тортиб юборганди. Лекин от сакрашга сакради-ю, чавандоз йиқилди. Йигитнинг машқларини кузатиб турган Жўрақўзи шогирдининг ўнгланиб олишига кўмаклашаркан деди:

— Лат емадингми?! Ҳеч-киси йўқ. Тўсиқдан сакрашда ихтиёрни отга қўйиб бериш керак. Майли, бугунги машқинг етар.

Еш чавандоз отни етаклаб нари кетаркан, Жўрақўзи хаёлга берилди. «Ҳа, — деди у ўзига-ўзи. — Машқни тобига етказиш осонмас. Сўнгги тўсиқдан ўтолмай қолиш ходисаси менда ҳам бўлганди. Ўшанда мехрибон устозим Владимир Кудряшов ёнимга келиб, йиқилишингга от эмас, балки ўзинг айбдорсан, укам, дегани ҳамон ёдимда». Мана энди Жўрақўзи Турдиматовнинг ўзи тренерлик қилмоқда.

1955 йили Наманганда ўтказилган Фарғона водийси биринчилигида иштирок этиб, республикага таниқли чавандозлар билан баҳслашди. Илк бор мухлислар олқишига сазовор бўлди, биринчи даражали дипломни қўлга киритди. Ўша йили Тошкентда Ўзбекистон XVII Спартакиадасининг ҳал қилувчи баҳсида СССР спорт мастерлигига номзод нормативини бажарди. Орадан икки йил ўтиб Чирчиқ шаҳрида Ўрта Осиё терма командалари биринчилигида муваффақиятли куч синашди. У командадоши Николай Удашевдан кейин голиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилиб, СССР спорт мастери унвонига сазовор бўлди. Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаб юрган кезлари армия спортчиси сифатида СССР халқлари ёзги VII Спартакиадасида иштирок этди. У кучли чавандоз, «Олимпиада-76» чемпиони Владимир Петров билан фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни бўлашиб олди. Жўрақўзининг бу ютуғи унинг СССР терма командаси составига аъзо бўлишига имкон берди.

Совет Армияси сафидан қайтгач Ж. Турдиматов қадрдон «Бешариқ» совхоз-техникумида от спорти клубида тренерлик қила бошлади. Ҳозир у ўттиз нафар чавандозга устозлик қиллпти. Енлар орасида Абдусалом Толипов, Мухтор Парпиев, Мустафо Қодиров сингари умидли чавандозлар камол топмоқда. Клуб аъзоларидан бир нечаси спорт мастерлигига номзод ва биринчи разрядли спортчилардир.

Жўрақўзини ўйновчи тренер дейишади. Бунинг боиси, у чавандозларга от ўйнатиш сирларини ўргатибгина қолмай, ўзи ҳам мусобақаларда мунтазам қатнашмоқда. Яқинда у Рязань шаҳрида ўтказилган СССР кубоги мусобақасида фахрли учинчи ўринни эгаллаб қайтди. Шу кунларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совғини учун ўтказиладиган анъанавий чавандозлик баҳсига шайланмоқда.

Фарғона областининг Киров районидаги «Бешариқ» совхоз-техникумида чавандозлик билан шуғулланиш учун қулай шароитлар яратилган. Бу ерда янги отчопар бунёд этиш мўлжалланмоқда. Чавандозлар сафи тобора кенгайиб, от спорти оммавийлик касб этмоқда.

Э. МУЛЛАЕВ,
Ф. ИСАЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.10 — Концерт. 10.40 — Асли болаликдан. 11.25 — Илмий-оммабоп фильмлар. 12.00 — Концерт. 12.25 — М. Дудин поэзияси. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Рус тили. 17.05 — Ҳужжатли фильмлар. 17.35 — Киноконцерт. 18.15 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳамдўстлик. 19.55 — Уруш ва тинчлик. Бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Хоккей. Халқаро турнир. 00.15 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — Тарих. 10.05 ва 13.40 — Инглиз тили. 11.05 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 11.55 ва 12.40 — Ўқув кўрсатуви. 12.05 — Ҳаёт формуласи. 13.10 — Ўқитувчи экрани. 14.10 — И. С. Никитин. Ҳаёти ва ижоди. 14.55 — Қадимий санъат ёдгорликлари. 15.25 — Одиссея. 1-кўрсатув. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — Ангарадаги ўрмон химияси гигантлари. 19.30 — Қўшиқ инсон билан қолади. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ельнин тупроғида. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Қисқа метражли бадиий фильмлар.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Рус адабиёти. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Жамиятшунослик. 13.00 — Замондас. 18.05 — Қўғирчоқ фильмлар. 18.20 — Санъатга йўл. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Қишлоқ хўжалиги соҳаси. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Тошкент олтин кузи. Концерт.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Мишка сеҳргар. Бадиий фильм. 18.45 — Шимол келини. Кинокомедия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Кинопрограмма. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 9.30 — Совет Ўзбекистони; одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — М. Шамаева ва И. Маллаев концерти. 12.10 — Гулла, яшна, қўрқ ўлка! 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 19.25 — Ешлик. 20.50 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Бугун радиотеатрда.

АХБОРОТ

НАМАНГАН

РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА

Уйчи районидаги Тельман номли колхоз территориясида «Уйчисельмаш» заводи ташкил этилди. Корхонада парандачилик фабрикалари учун ускуналар тайёрланади. Бу ерда капитал қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Завод цехлари учун 15 гектар майдон, 18 миллион сўм маблағ ажратилди. Янги корхонани мазкур термоқдаги энг йирик «Пятигорсксельмаш» заводи коллективи отелиққа олган. Наманганда борган 70 нафар ёш бу ерда касб-ҳунар ўрганмоқда.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН СОВХОЗЛАР

Косонсой районида янгидан ташкил этилган «Комсомол» совхози асаларичиликка ихтисослаштирилган.

— Бу йил 26 тонна асал олишга сўз берганмиз, — дейди совхоз директори А. Юсупов. — Ун биринчи беш йиллик охирига бориб бу рақамни 45 тоннага етказамиз. 1990 йилгача эса асаларилар янада кўпайтирилиб, давлатга 120 тонна асал сотилади.

Шунингдек, районда яна бир хўжалик ташкил этилди. «Ўзбекистон» деб номланган янги совхоз қорамолларни бўрдоқига боқиш ва кўпайтиришга ихтисослаштирилган.

А. НИЁЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ШАРҚ САНЪАТИ — МУЗЕЙДА

Ўзбекистон ССР давлат санъат музейида Шарқ амалий санъати намуналаридан иборат кўргазма очилди. Кўргазмада асосан Хитой, Корея, Япония ва Вьетнам халқларининг амалий санъати намойиш этилаётир.

Томошабинлар XVII — XX асрларда яратилган чиннисозлик, кулолчилик, каштачилик ва гиламдўзлик намуналари билан танишмоқдалар. Нафис пардоз ва бўёқларни кўздан кечиришмоқда. Тасвирда табиат ва ҳайвонот оламини усталик билан акс эттирилгани кўпчиликда яхши таассурот қолдиряпти.

Кўргазмада жами 120 дан ортиқ буюмлар намойиш этилмоқда.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР давлат санъат музейининг катта илмий ходими.

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛИГИДА

АНДИЖОН МИНЕРАЛ СУВИ

Андижон давлат медицина институтининг клиник касалхонаси ҳузурида очилган сув шифохонаси дастлабки беморларни қабул қилди. Хлорид, кальций, натрий ва бошқа минераллар билан тўйинган шифобахш сув касалхонанинг яшил зонасини суғориш учун қудуқ қазиётганда шифохона территориясида уч минг метр чуқурликдан топилди.

Н. А. Семашко номидаги Тошкент курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг ходимлари Андижон минерал сувининг шифобахш хоссаларига юксак баҳо бердилар.

ПАХТАКОРЛАР БИЛАН БИРГА

Қўриқ Баҳористон райони пахтакорлари ҳузурига поликлиника жўнаб кетди. Бу поликлиника районнинг йирик пахтачилик хўжаликлари марказида жойлашди. Поликлиника врачлари деҳқонларни қабул қилмоқдалар. Энг олисдаги бригадалар ва бўлимларда дастлабки маршрутлар очилди.

Амбулаторияларнинг ходимлари дала шийпонлари, мавсумий яслиларнинг санитария ҳолатини назорат қилиб, механизаторларни профилактик кўрикдан ўтказмоқдалар.

Бу йилги мавсумда Қарши дашти районларида еттита дала поликлиникаси ишлаб турибди.

(ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АКАДЕМИК И. П. ПАВЛОВ НОМИДАГИ «ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» ОРДЕНЛИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИНИНГ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Олий ўқув юртлари қошида тайёрлов бўлимлари очиш тўғрисидаги кўрсатмасига мувофиқ СамМИда кундузги ўқиш формасидаги тайёрлов бўлими очилган.

Ўқиш муддати 8 ой.

Тайёрлов бўлимига ўрта мактабни битиргандан сўнг қуйидаги ихтисослар бўйича ишлаган шахслар қабул қилинади: саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа, геология-қидирув ташкилотларининг илғор ишчилари, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари. Қуролли Кучлар сафидан қайтганлар, кичик медицина ходимлари (санитаркалар ва касалларга қарайдиган ҳамширалар).

Ишчи, колхозчилар мактабни битиргандан сўнг камида бир йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлишлари керак. Санитаркалар ва кичик медицина ҳамширалари ўрта мактабни битиргандан сўнг мазкур ишда камида 2 йиллик стажга эга бўлишлари керак.

Корхона, колхозда ишлаётган ишчининг охирги йилдаги иш стажи узлуксиз бўлмоғи лозим. Ўрта медицина ўқув юртини битирган ҳамшира ва фельдшерлар тайёрлов бўлимига қабул қилинмайдилар. Бўлимга ёшларни таналш ва йўлланма бериш даволаш муассасалари, саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларининг раҳбарлари ва ҳарбий қисм лар командирлари томонидан партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг тавсиясига биноан амалга оширилади.

СССР Қуролли Кучлари сафидан қайтганларга ҳарбий қисмлар бошлиқлари томонидан берилган йўлланма запаси 1 йилгача ўз кучини сақлайди. Мазкур муддат тугагандан сўнг Қуролли Кучлар сафидан бўшаган солдатлар қўшимча равишда иш жойидан характеристика тақдим этишлари керак.

Тайёрлов бўлимига йўлланма олганлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: ариза, протокол номери ва ишлаб чиқариш мажлисининг муддати кўрсатилган ва тайёрлов бўлимлари учун мавжуд формада бўлган йўлланма; сўнгги иш жойидан корхона раҳбари, комсомол ва касаба союз ташкилотлари томонидан тўлиқ ишлаб чиқариш характеристикаси; корхона раҳбарлари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг нусхаси ёки меҳнат қунларининг сўнгги минимуми кўрсатилган колхозчи меҳнат дафтарчасининг нусхаси; ўрта мактабни битирганлиги тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси); соғлиғи тўғрисидаги медицина справкаси (286-форма); 8 та фотосурат (3х4 см., бош кийимсиз).

Тайёрлов бўлимига ҳужжат топширувчиларнинг диққатини қуйидагиларга жалб этамиз: ҳамма ҳужжатларга штамп, берилган муддат, раҳбарларнинг имзоси, фамилияси, исми аниқ-равшан кўрсатилиши шарт.

Институт тайёрлов бўлимига ҳужжатлар қабул қилиш комиссияси томонидан 1октябрдан 10 ноябргача олинади.

Тайёрлов бўлимига ариза топширган ҳар бир киши тайёрлов бўлими қабул комиссияси аъзолари билан асосий умумтаълим предметлар — физика, химия, биологиядан суҳбат ўтказилади.

Суҳбат 10 ноябрдан 25 ноябргача бўлади. Суҳбат ўтказишдан мақсад тайёрлов бўлимига кирувчиларнинг ўрта мактаб билимлари бўйича қай даражада тайёр эканликларини, билимдан ташқари у ёки бу предметнинг маълум қисмлари бўйича бош томонларини аниқлаб, ўқиш жараёнида уларга эътибор беришдан иборатдир. Бундан ташқари суҳбат вақтида тингловчиликка номзоднинг умумий савияси, танланган ихтисосга мойиллиги ҳам аниқланади. Суҳбат натижалари бўйича тайёрлов бўлимига қабул қилиш (кириш имтиҳонларисиз) институт ректорининг буйруғи билан 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

Тайёрлов бўлимида институтга кириш учун лозим бўлган фанлар бўйича (физика, химия, биология, адабиёт, она тили ҳамда рус тили, жамиятшунослик, жисмоний тарбия) машғулотлар олиб борилади.

Машғулотлар 1 декабрдан бошланади.

Тайёрлов бўлими тингловчиларига ўқиш даврида 1 курс студентлари учун белгиланган миқдорда стипендия тўланади ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Тайёрлов бўлими тингловчилари ўқиш тугагандан сўнг физика, биология, химия (оғзаки), адабиёт (иншо)дан имтиҳонлар топширадилар.

Битирув имтиҳонларидан муваффақиятли ўтганлар Самарқанд медицина институтининг 1 курсига қабул қилинадилар.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/IХда Ун учинчи ранс.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/IХда Ишонмасанг ўламан.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Цирк санъатининг янги асари — «РУСЛАН ВА ЛЮДМИЛА» пантомима-феерияси (19.30 да).

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги қурилиш министрлигининг 22-болалар уйида тарбиялланганларнинг диққатига болалар уйининг 40 йиллигига бағишлаб

17 СЕНТЯБРЬ СОАТ 17.00ДА

ТАНТАНАЛИ УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛИШИНИ БИЛДИРАДИ

Болалар уйида тарбиялланганларнинг ҳаммасини учрашувга таклиф қиламиз.

Адрес: Тошкент шаҳри, Байналминал кўчаси, 24-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг БИОХИМИЯ ИНСТИТУТИ ҳужайралар биофизикаси лабораториясининг кичик илмий ходими вакант вазифасига КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 56-уй.

НАМАНГАН «АВТОТЕХОБСЛУЖИВАНИЕ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

гражданларнинг «Москвич» 400, 401, 402, 403, 407, 408-автомашиналарини ҚАЙТАДАН ЖИҲОЗЛАБ БЕРАДИ

«МОСКВИЧ» 412, 2140 машинаси кузовининг янги комплектлари ва машина эгаларининг ҳоҳишига кўра уларнинг агрегатлари ҳам ўрнатиб берилади.

Машинани қайта жиҳозлаш учун ГАИнинг рухсати бўлиши лозим.

Адрес: Наманган шаҳри, Маргилон кўчаси, 105-уй, Телефонлар: 6-85-85, 6-26-24.

«СОЮЗЛИФТМОНТАЖ» трести Олмаота монтаж бошқармасининг ТОШКЕНТ МОНТАЖ УЧАСТКАСИ «УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» трестининг 2-Тошкент монтаж бошқармаси қарамоғига ЎТКАЗИЛДИ

Ҳамма даъволар «СОЮЗЛИФТМОНТАЖ» трестининг Олмаота монтаж бошқармасида эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА 12 сентябрь соат 19.00да СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН Олий лиганинг «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ҚАЙРАТ» (Олмаота) — командалари ўртасида ФУТБОЛ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда ва ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49; ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар бўлими — 33-81-42; 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02168. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 207.